Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1994 йил 2 февраль, чоршанба — № 9—10 (6597). Баҳоси сотувда эркин нархда.

• ТЕМИР—ТЕРСАК ПАРЧАСИ—САНОАТНИНГ ХОМ АШЁСИ

• ЭРКИН ВОҲИДОВ: БОЛАЛАРГА ЗАВҚ БЕРИНГ, ЗАВҚЛАНИШНИ ЎРГАТИНГ!

• ДУНЁНИ ЭЗГУЛИК ҚУТҚАРАДИ

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш республика Давлат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш юзасидан давлат дастури ва уни бажариш тартиби ҳақида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар лотин алифбосига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда мустақил ўрганувчилар учун махсус қўлланмалар, дарсликлар нашр этишни жадаллаштириш хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда республика Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

(ЎзА).

УЧ ЙЎНАЛИШ ҲАМКОРЛИГИ

«Бугунги сиёсатимизда ота-боболаримизнинг олижаноб анъаналарига содиқ қолиб, ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга даҳлдор инсонларга биринчи навбатда қўлдан келганча эътибор кўрсатиб, уларга эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш эркин ва фаровон яшашга интилаётган жамиятнинг пойдеворига тамал тош қўйиш билан баробардир».

Президентимиз Ислом Каримовнинг бу фикрлари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида бош йўл бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг республикамиз Конституциясининг бир йиллиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XIV сессиясида сўзлаган нутқларида олға сурилган ҳаётбахш ғоялар, асарларида айтилган қимматли фикрлар, долзарб муаммолар олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчилар томонидан атрофлича ўрганилиб, муҳокама қилинмоқда ва тегишли амалий тадбирлар белгиланмоқда.

Яқинда Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида бўлиб ўтган конференция ҳам шу масалага бағишланди. Йиғилишда институт ректори, профессор С. Пўлатов «Ўзбекистонда мустақилликнинг ўрнатилиши — халқимизнинг асрий орзуси, уни мустаҳкамлаш учун юқори малакали фидойи мутахассислар тайёрлаш — давр талаби» деган мавзуда маъруза қилди. У ўтиш даврида бозорнинг ўзгарувчанлиги, турмуш шароитини яхшилашда кадрларнинг роли ва республикада малакали мутахассислар тайёрлаш ҳақида қимматли фикрларини айтди.

Институт проректори, профессор А. Н. Богдасаровнинг маърузаси Ўзбекистон Конституциясида ҳуқуқ, демократия ва инсонпарварлик масаласига қаратилди. Мустақиллигимизнинг миллий тараққиёт мафкураси қандайлиги унинг шахсни тарбиялашдаги роли ҳақида ўқув-тарбия ишлари бўйича проректор Ғ. Саматовнинг маърузаси тингланди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎзФА мухбир аъзоси Б. Назаров ўз сўзида аниқ ва техника фанлари олимлари йиғилишда фаол иштирок этганликлари ва конференцияда муҳокама қилинган масалалар катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Асосий маърузалардан кейин олимлар шўъбаларга бўлиниб иш олиб боришди. Муҳим мавзуларда бир неча илмий-амалий маърузалар тингланди. Конференция қатнашчилари ҳаётимизнинг асоси уч йўналишда: иқтисод, сиёсат ва маънавиятнинг узвий ҳамкорлигида эканлигини алоҳида уқтиришди.

К. НОРМАТОВ, профессор.

ИЛК ҚАДАМ

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш борасида давлатимизда амалий-маърифий ишлар жадал лик билан олиб борилмоқда.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ўзбек тили ва адабиёти, жаҳон тиллари кафедраси ташаббуси билан 36 соатга мўлжалланган қайта тайёрлов курси якунланди. Курсда филология фанлари доктори, профессор Абдуғани домла Алиев маъруза ва амалий машғулотлар ўтказди. Уни институт ўқитувчи ва профессорларидан 30 киши муваффақиятли тугатиб, қўшимча ихтисослик олдилар.

Суратда: машғулот пайти акс этган.

А. АКМАЛОВ олган сурат.

ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА МОЛИК ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1994 йилда металл парчаларини йиғиш ва топшириш давлат буюртмасини таъминлаш чоралари тўғрисида буйруқ чиқарди. Жумҳурият халқ хўжалиги бозор муносабатларига ўтаётган, анъанавий хўжалик алоқалари узилиб қолган бир даврда амалга оширилаётган тадбирнинг нақадар аҳамиятлилиги таъкидланган бу буйруқда аниқ режалар белгиланган.

Металл парчаларини йиғиш ва топшириш жараёнининг кўнгилдагидек ўтиши учун масъул ташкилотлар вакилларидан иборат халқ таълими вазирлиги штаби тузилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими Бош бошқармаларида, педагогика олий ўқув юртлари ҳамда билим юртларида, республика ўқув-ишлаб чиқариш марказларида ҳам штаблар тузилди. Халқ таълимининг маҳаллий бошқарувлари қошида тузилган мазкур штаблар раҳбарлари зиммасига ҳар ойнинг бошида Вазирлик штабига металл парчалари йиғиш ва топшириш бўйича давлат буюртмасининг бажарилиши жараёни ҳақида ахборот бериб туриш топширилди.

Халқ таълими вазирлиги қошидаги штаб зиммасига ҳар чоракда ишнинг бориши ҳақида маълумот бериш, зарурат бўлса, бу масалани коллегия йиғилишига қўйиш юклатилди.

Ҳурматли халқ таълими ходимлари, талабалар, ўқувчилар!

Кундан-кунга нурли истиқбол сари дадил қадам ташлаётган она-Ватанимиз саноатини ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифадир. Барчангизни бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўқув юртлари, хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари бўйича 1994 йил учун қора ва рангли металл парчалари йиғиб топшириш тақсимоти режаси билан 4-бетда танишасиз.

Таълим ислоҳоти

ЯНГИЛАНИШ—ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

Мустақил Республикамиз учун саводли кадрлар керак. Туманимизда меҳнат қилаётган ҳар бир маориф ходими ана шу тамойил асосида етук ва мукаммал шахсни тарбиялаш йўлида ажиб қўтаринкилик билан фидойилик кўрсатиб ижобий натижаларга эришаётир. Биз бунга ўқитувчиларимиз саводхонлигини ошириш йўли билан эришдик. Туманимиз мактаблари базасида муаллимлар малакасини, дунёвий билимларини ошириш соҳасида қатор тажрибалар бор. Биргина 234-мактабни олсак, бу ерда «Инглиз тили ва ахборотлаштириш маркази» фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг асосий иш йўналиши чет тили ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатиш ва ёшларни олий ўқув юртларига тайёрлашга қаратилган. Тилни мукаммал ўрганган ўқувчилар ва уларга билим берган муаллимлар туман ҳокимияти томонидан бир йилда икки марта рағбатлантирилмоқда. Чунки сидқидилдан қилинган ҳар қандай меҳнат тури рағбатга лойиқдир.

Юксак тайёргарлиги бўлган мактаб ўқитувчисигина янги типдаги мактабларда фаолият кўрсата олади. Шу боис биз туманимиздаги уч та гимназия мактаби, бешта шарқ тиллари лицейи, шунингдек, 45-кечки халқ амалий миллий санъати лицейларига тажриба мактабларини ўтаган энг малакали муаллимларни жалб этганмиз. Шу қаторда гимназия ва лицейларимиздаги билимга чанқоқ ёшларимизга олий ўқув юртларида ишлаётган фан номзодлари турли фанлардан сабоқ беришмоқда. Илгари ҳар бир ёшга, уни ўқитган ўқитувчисига қараб баҳо беришар экан. Мақсад — собиқ иттифоқ даврида унутилган ушбу анъанани туманимизда қайтадан тиклашдир.

Янги типдаги мактаблар раҳбарлигига тажрибали, жамоа орасида юксак обрўга эга бўлган кишиларни қўяяпмиз. Масалан, 45-кечки халқ амалий миллий санъат лицейига Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тинчивой Пўлатова раҳбарлик қилаяпти. Ҳозир бу лицейда 1244 нафар ёш таълим олаяпти. Улар бошланғич синф ўқитувчилари, тўгарак раҳбарлари, меҳнат дарси, жисмоний тарбия мураббийлари ихтисосини эгаллайдилар.

Булардан ташқари 146, 234, 261, 309-мактабларда лицей синфлари, яна 6 та мактабда эса касб танлаш синфлари ташкил этилган. Мақсад ёшларга иқтисодий билимларни, журналистлик ва муаллимлик касб маҳоратини ўргатишдир.

Бу масканларда раҳбарлик қилаётганларнинг ҳар бири ўзларининг обрўси, юқори савияси, ташаббускорлик, янгиликка интилувчанлик ҳислатлари билан директорлик лавозимига кўтарилишган. Агар раҳбар йиллар давомида бир меъёрда ишласа, унинг иш маҳсули бўлмайди. Ҳозир бозор иқтисоди даври ҳаммани синаётир. Тадбирли раҳбар бунга асло парво қилмасликлари мумкин. Чунки у барчадан бир қадам олдинда юради.

Тадбиркор раҳбардан тортиб оддий ўқитувчигача — барча-барчамиз ёшларнинг билимли, онгли авлод бўлиб камол топиши учун масъулмиз. Шу боис ҳам туманимиздаги барча илм ўчоқларида таълим-тарбияни фақат аъло даражада олиб боришга ҳаракат қилаётирмиз. Бунинг учун мактабларда 1-синфдан бошлаб одоб-ахлоқ мавзулари мукаммал ўтилмоқда. Ота-оналар билан узвий муносабатларни йўлга қўйганмиз. Чунки бола тарбияси икки тарафлама — ҳам оилада, ҳам мактабда бир хил йўналишда олиб борилсагина ёшларда яхши хулқ, зийраклик, илмга интилиш хусусиятлари шаклланади.

Ёшларни маҳалласиз, қишлоқ ва овулларни эса шўх-шодон болажонларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллимларимиз таълим-тарбияда азал-азалдан маҳалла, қишлоқ ва овул оқсоқоллари ўгитига суяниб келишган. Маҳалламиздаги ёшлар тарбиясига эътибор кучайтирилаётгани ҳам шундан далолат.

Муддаога ўтадиган бўлсак, 1-ўрта мактаб мураббийлари «Пахта» маҳалла оқсоқоллари, 23, 119-ўрта мактаблар ўқитувчилари «Қурилиш», Абдулла Набиев, «Мевазор», «Мустаҳкам» маҳалла қўмиталари билан, 249-ўрта мактаб жамоаси эса Беруний, «Мирзо Ғолиб», «Оқтепа» маҳаллаларидаги оқсоқоллар билан доимий маслаҳатни йўлга қўйишган.

Ҳамма мактабларимизда маҳалла кенгашлари билан ҳамкорликда қилинадиган иш режалари тузилган. Ҳозир барча маҳалла ва мактабларда ёшларни мукаммал билим эгаллашлари билан биргаликда касб-ҳунар ўргатишига асосий эътибор қаратилган. Шу мақсадда мактабларимизда 18 та касб-ҳунар ўргатиш тўгараги ишлаб турибди. Уларда ёшларга гемирчилик, бешиксозлик, нонвойлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, маҳсидўзлик касбларини эгаллаш сирлари ўргатилаяпти.

Тўғри, буларнинг барчаси бизнинг изланишларимиз ва уларнинг мухтасар натижалари, холос. Аммо бу камчиликлар ва муаммолар тугади, дегани эмас. Масалан, мактабларимизда ҳали фан ўқитувчилари танқислиги сезилади. Истардикки, жойлардаги педагогика олий илмгоҳлари туманимизга ёш, ғайратли муаллимларни кўпроқ юборишса, олимларимиз, мутахассис фан арбоблари даврга мос дарсликлар ва дастурлар яратишса, кўзланган мақсадга узил-кесил эришиш мумкин, Ана шунда мактаб жамият кўркига айланади.

Маъсуда ОДИЛОВА, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудири.

Очиқ мулоқот

«БОЛАЛАРГА ЗАВҚ БЕРИНГ!»

Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг—ўшанга, кимни ўқитсанг, ўшаларга меҳр қўймоғинг зарур дейишади. Истиқлолимиз тенгдоши бўлган дарсликлардан фойдаланаётган муаллимларимиз, дарсликларга кирган замондош ижодкорлар билан бевосита учрашишга, фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишга мушарраф бўлмоқдалар. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан жумҳурият ўқитувчилар уйида ўтказилаётган бундай учрашувлар анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов ва Шукрулло билан бўлган қизғин мунозаралардан олинган таассуротлар муаллимларимиз учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтади.

Навбатдаги очиқ мулоқотда тил ва адабиёт ўқитувчилари, шеърият мухлислари Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан учрашдилар.

Очиқ мулоқотни Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Баҳром Қодиров олиб борди.

Филология фанлари доктори Раҳматулла Иноғомов шоир шахси ва ижоди ўртасидаги узвийлик ҳақида гапирди. Эркин Воҳидов ҳақида сўз юритмоқ шоир шахсининг шеъриятдаги инъикоси хусусида, нафис адабиётнинг инсон руҳига ҳаётбахш таъсири ҳақида гапириш демак. Йирик шахс ҳамиша йирик шоир бўлмаслиги мумкин, лекин йирик шоир ҳамиша йирик шахсдир. Халқ дардига дарддош шоирнинг шеърларигина элнинг азалий меҳрига сазовор бўлади.

Филология фанлари доктори, республика Ўқув-методика маркази қошида тузилган кенгаш раиси Умарали Норматов ижодкорлар асарларини дарсликларга киритишда амал қилинган тамойилларга тўхталди.

— Янги адабиёт дарсликлари истиқлол тенгдоши, улар миллий истиқлол руҳи билан суғорилган. Шунга кўра дарсликларга чинакам маънода бадиий юксак асарлар киритилди.

Эркин Воҳидов ижоди 5-, 6-, 8-, 11-синфларда ўрганилади. Бешинчи синф ўқувчилари чуқур инсонпарварлик руҳида битилган «Нидо» достони билан танишсалар, 6-синф ўқувчилари ҳар фарзанд қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари уйғотувчи «Ўзбегим» шеърини ўрганадилар. Саккизинчи синф дарслигига шоирнинг таниқли рус шоири Сергей Есениндан қилган гўзал таржималари киритилган.

Муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари ҳар дилда ёшликдан сайқал топади. Шоирнинг 11-синф адабиёт дарсликларига киритилган «Рашким», «Сенга бахтдан тахт тиларман» ғазаллари замирида ана шундай маъно ётади.

Эркин Воҳидов ижодининг ўзига хос гултож асарлари бўлган «Инсон қасидаси» манзумаси, «Руҳлар исёни» достони эса дастурдан ўрин олган.

«Бугун биз шоир Эркин Воҳидов билангина эмас, балки ўзимиз билан ўзимиз, яъни ўзимиз интилган гўзал маънавий олам билан учрашиб турибмиз». Истеъдод жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев шоир ижодига ана шундай тавсиф берди.

Ўқитувчилар шу куни ёд дафтарларига таниқли адабиётшунос олим, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Иброҳим Ғафуровнинг шоирнинг ҳаётдаги ўрни, бадиий ижод моҳияти ҳақидаги қуйидаги сўзларини ҳам қайд этдилар:

— Узоқ йиллар мустамлака шароитида яшадик. Мустамлака шароитида яшаган халқнинг қуроли бўлмайди. Шеъри — қуроли. Аскари бўлмайди, шоири — аскари. Озодлик шеъриятга Чўлпонлардан сўнг ҳам ўлгани йўқ. Адабиётимизда хотирасизлик касали бўлган эмас. Эркин Воҳидов ижоди Чўлпон ижодига издош ижод. Эркин Воҳидов шеъриятнинг ҳамма чолғуларини гўзал чала олади.

Учрашувда Тошкент шаҳридаги 14-мактаб ўқувчиларининг Э. Воҳидов ижодидан ўқиган шеърлари мулоқотга алоҳида файз киритди.

Учрашув сўнгида Эркин Воҳидов ўқитувчиларнинг саволларига жавоб берди, янги шеърларидан ўқиди. Саволлардан бирига жавоб қайтариб, «Болаларга биринчи навбатда завқ беринг, завқланишни ўргатинг!», деди таниқли шоир.

Ўқитувчилар уйига тақдим этган «Ижтироб» китобига эса қуйидаги дастхатни ёзиб қолдирди:

«Азиз ва муҳтарам устозлар!

Ёш қалбларга маънавият нурини сочишдек табаррук ишингизда Сизларга куч-қудрат тилайман! Э. Воҳидов».

У. АБДУАЗИМОВА.

«Маърифат»га жавоб берадилар

ЕР АЖРАТИЛДИ

Таҳририятимизга Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Турон ширкат хўжалиги Самоқ қишлоғида яшовчи ўқитувчи Эркин Жовлиев бир қанча пайтдан буён уй қуриш учун ер ололмай юргани ҳақида мактуб йўллаб ёрдам сўраганди. Унинг хати текшириш учун Яккабоғ туман ҳокимиятига юборилди. Ушбу хат юзасидан туман ҳокими Т. Шоназаров имзоси билан олинган расмий жавобда қуйидагилар маълум қилинади: «1992 йил Самоқ қишлоқ кенгашининг 4—14 сонли қарори асосида Э. Жовлиевга бош режа бўйича уй-жой қуриш учун 8 сотих ер участка берилган эди. Берилган участкадан норози бўлганлиги сабабли, 1993 йил 23 декабрь куни бошқа сувли жойдан 8 сотих ер қайтадан ўлчаб берилди».

АРИЗАЧИГА ТУШУНТИРИЛДИ

Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Ғайбулла Абдужалилов ҳам редакциямизга ҳудди шу мазмунда мактуб йўллаганди.

Туман ҳокимиятига текшириш учун юборган хатимизга ҳоким Х. Тожибоев имзоси билан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Учқўрғон тумани ҳокимлиги томонидан 27-мактаб ўқитувчиси Ғ. Абдужалиловнинг редакцияга юборган хати юзасидан комиссия тузилиб, жойида ўрганилганда, унинг оиласи ихтиёрида 8 сотих томорқа ер участкаси борлиги, Кугай қишлоқ кенгашининг 4—14 сонли қарори билан тасдиқланган томорқа ер участкалари ажратиш меъёрига кўра совхоз ишчи-хизматчиларининг оилаларига 16 сотихдан ва бошқа ишчи-хизматчиларнинг оилаларига 8 сотихдан томорқа ер участкаси ажратилиши белгиланган сабабли Ғайбулла Абдужалиловнинг қўшимча томорқа ер участкаси ажратиб бериш ҳақидаги талабини қондириш қонуний жиҳатдан тўғри эмаслиги аризачига тушунтирилди».

Миллий мактаб муаммолари

«ГУЛДАСТА»НИ ҚАНДАЙ ВА ҚАЧОН ШАКЛЛАНТИРАМИЗ?

Ҳозирги кунда миллий мактаб қиёфасини шакллантириш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш халқ таълими ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Илғор ривожланган мамлакатларда бу муаммо йўқ ҳисоби. Албатта, бизда ҳам яқин йиллар ичида ҳал этилади. Мактаб, мустақил юрт фарзандлари орзу қилганидек, жамиятимиз кўркига айланади.

Илгари собиқ иттифоқ даврида фаолиятимизнинг кўп қиррали томони марказдан белгиланар, илм масканлари бир хил тизимга асосланган бўлиб, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда кўпроқ Россия ҳаёти акс этар, ўқитиш услублари ҳам шунга монанд эди. Хуллас, биз тарихий илдизимиздан ажралган, миллий маданиятимиздан бебаҳра, воқеа-ҳодисага муносабат билдириш имкониятидан маҳрум халққа айланган эдик.

Мустақилликка эришилгандан кейин халқ таълими фидойилари, устозлар, уларнинг шогирдлари миллий мактабни шакллантириш муаммоси ва шунга ўхшаш масалаларни кўтариб чиқа бошлашди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида шу институтнинг мактаб раҳбарлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳамда «Маърифат» газетаси таҳририяти ҳамкорликда ўтказган мулоқотда ҳам айнан шу хусусда гап борди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган мактаб раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

Мулоқотни институт ректори, профессор **Комилжон ЮСУПОВ** очди. Хусусан, у миллий мактабнинг зарурлиги, моҳияти, институтда миллий мактаб лабораторияси фаолият кўрсатаётгани, унга мактаб раҳбарлари фикрлари жуда-жуда асқотиши каби масалалар ҳақида атрофлича сўзлади.

Институт ректори таъкидлаганидек, ҳақиқий муаллим юқори савияси, изланувчанлиги, ташаббускорлиги, юксак обрўси билан мактаб директори лавозимига кўтарилади. Эркин, ижодий фикр юритадиган, фозил инсонни шакллантирадиган ўқув даргоҳи раҳбарларигина ҳар доим муаммоларни қиёсан ўрганади, бир-бирига таққослайди. Шунинг учун ҳам ҳозир уларнинг фикри, фаол иштироки жуда муҳимдир. Чунки миллий мактаб муаммоси мураккаб, айни пайтда долзарб ҳамдир.

Айни кунда мактаб талаби нималардан иборатлигини билиш учун институт муаллимлари илм масканларига юборилаяпти. Улар ўқувчи эҳтиёжи, ўқитувчи услубини ўрганишяпти. Натижада институт ва мактаб ҳамкорлиги тикланяпти, назария ва амалиёт бир-бири билан уйғунлашаётир. Мақсад — умумбашарият қадриятларига урғу берган ҳолда кўпчилик орзиқиб кутаётган миллий мактабнинг методологик асосларини яратишдир.

— Ҳозир мактабни миллийлаштириш тўғрисида қизғин мунозаралар кетаяпти,— деб сўз бошлади зарбдорлик мактаб директори **Абдулла ЭРГАШЕВ**.— Бу тарздаги чиқишлар бир неча йил давом этиши табиий. Чунки дарсликлар янгиланиш жараёнида, қўлланмалар етарли эмас. Фикримча, энг аввало, олий мақсадга эришиш учун ўғил-қизлар тарбиясига чуқур эътибор бериш, миллий халқ педагогикаси анъаналарини қарор топтириш, устоз ва шогирдлик мактаби анъаналарини тиклаш, дастур ва дарсликларни тугал янгиламоқ зарур.

Оқолтин туманидаги 8-мактаб директори **Улуғбек САЙДАЛИЕВ** мунозарани шундай давом эттирди:

— Қадимда ислом динининг илм ва фаннинг тараққий этишида маълум даражада ҳиссаси бўлган. Ҳозирги ёшларимиз ҳаром ва ҳалолнинг фарқига доим ҳам боришмайди. Шунинг учун бошланғич синф машғулотларига маънавият сабоқларини, ҳадисларни ўрганишни иккиланмасдан киритмоқ керак.

Маълумки, айрим жойларда ўғирликлар тез-тез содир бўлиб туради. Бизнинг мактабда эшиклар қулфланмайди. Биз буни машғулотларда диний-ахлоқий таълимга, буюк боболаримиз Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларига суянганимиз самараси, деб билаяпмиз. Назаримда, 9-синфдаги «Дин тарихи» дарси соатлари кўпайтирилса, ўринли бўлади.

— Аслида байналмилал тарбия, совет халқи тарихий бирлиги шиорлари миллий жонбахш томирларимизни қирқишга қаратилган ниқоб, сиёсат эди,— деди профессор **Боқижон ТЎХЛИЕВ**,— Тарихий бирлик дея наслнасаб, мазҳаб унутилди. Россия тупроғи ўзбек халқи учун Ватан саналди. Шу вақтгача нозик ва майда, деб қаралган бундай тушунчаларга эндиликда жиддий эътибор зарур.

Ўзлигимизни англаяпмиз, қадриятлар, анъаналар қайта тикланяпти. Энди англаб етилган ҳақиқатни ўз жойига қўйиш миллий мактабни шакллантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, уюшмалар жамики кучини шунга йўналтирсалар, нур устига нур бўларди.

Асарларимизда қадимги ривоятлардагидек, муҳаббат, самимият тарғиб қилинганми? Ҳозирги ўқув режаси ва дастурининг илмий асоси борми? Агар бўлмаса, андозани қаердан олиш керак каби жуда кўп масалалар бор. Бунда сиз ва бизнинг илмий ва амалий иштирокимиз жуда зарур ва муҳимдир.

— Ўзбек халқида ўзидан каттани, кексаларни, устозларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, табиат ва меҳнатни эъзозлаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, эгасининг розилигисиз ҳеч нарсага эга бўлмаслик каби жуда ажойиб одатларимиз борки, уларни мактаб таълимига албатта татбиқ этмоқ лозим,— деди Сирдарё туманидаги 19-ўрта мактаб директори **Ҳайитқул КАРИМОВ**.— Илм — ўзни билмакдир, дейилади ҳадисда. Бас, шундай экан, мактаб ўқувчиси ўз миллатининг қай даражада шаклланганини, унинг ўзига хос маданияти, тарихи, урф-одатлари, халқимизни оламга танитган буюк алломаларини билиши ва уларни қадрлашлари даркор.

Айни кунда кўпчилик миллий мактаб тўғрисида гап кетганда, ўғил-қизларни алоҳида ўқитиш, зиё масканига ўзбекона кийимда келиш, дам олиш кунини ҳафтанинг жума кунига кўчириш каби қатор фикрларни билдиряпти. Бизнинг фикримизча, миллий мактабда ўқитиладиган фанлар сонини илмий асосда аниқлаб олиш зарур бўлади. Мен раҳбарлик қилаётган мактабда ҳуснихатни яхшилаш, жисмоний тарбия дарсларида ўғил-қизларнинг алоҳида-алоҳида қатнашиши, уларга миллий ўйинларни ўргатиш, қизлар учун ўзига хос либослар яратиш борасида бирмунча тажрибаларимиз бор.

Бир маром билан бошланган мулоқот аста-секин баҳс-мунозара тусини олди. Унда Зарбдор туманидаги 17-мактаб директори **Қобил ЭШМИРЗАЕВ**, Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 18-мактаб директори **Рисбой ҚУРБОНОВ**, Боёвут туманидаги 30-мактаб директори **Абдухолиқ ШАХОБОВ**, Тошкент шаҳридаги 41-мактаб директори **Назира АҲМЕДОВА**, Жиззах шаҳридаги 4-мактаб директори **Саид ҚОДИРОВ**, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири **Саъдулла ҲАКИМ** ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзига хос, асосли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Улар анъана муҳим тарбия воситаси эканлиги, мактаб ўқувчиси формасининг миллий шакли, илм масканларини қуришда миллийликка эътиборни қаратиш, кадрлар масаласини ҳал этиш, ўқувчиларни ихтисосий таълимга йўллаш, таълим-тарбияда ота-онанинг ўрни ва мажбурияти, миллий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, миллий мактаб концепциясини яратиш каби масалалар юзасидан таҳлилий фикр юритдилар.

Учрашув сўнгида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мактаб раҳбарлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг декани **Қўлдош ЭРГАШЕВ** ўз фикрларини қуйидагича баён қилди:

— Миллий мактабни шакллантириш муҳим жараён. Бунинг учун ҳукумат даражасида нуфузли комиссия тузилиши, унга педагогика олий ўқув юртлари, педагогика илмий-текшириш институтлари вакилларини, мактаб ўқитувчиларини жалб этиш зарур. Комиссия вакиллари томонидан миллий мактаб концепцияси ишлаб чиқилиши ва матбуотда эълон қилиниши лозим.

Айни пайтда педагогика институтларини, ўқитувчилар тайёрлайдиган вилоят университетларини, таълим-тарбия жараёнини бўлажак миллий мактаблар ўқитувчисини тарбиялашга мослаштириш зарур. Бу борада Низомий номидаги ТДПИда талайгина ишлар амалга оширилди. Институтда миллий мактаб лабораторияси ишлаяпти. Алоҳида «Одобнома» кафедраси очилган. «Оила» лабораторияси иш бошлаган. Айрим факультетларда қўшимча «Одобнома», «Эски ўзбек ёзуви» бўлимлари ташкил қилинган. Барча мутахассисликдаги талабаларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс ўтилмоқда. Ўқув режалари қайта кўрилди, миллийликка мослаштирилди.

Малака ошириш институтлари, факультетлари ва курслари ишини ҳам миллий мактаблар тизимига мослашимиз, шундан кейингина барча мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлов курсларига жалб этиш лозим. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқув режалари тубдан ўзгартирилиши, унда дарслар кўпроқ миллий қадриятларимиз, миллий меросимиз, халқимиз педагогикаси, миллий характер ва хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоғи лозим.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ҳам ўзбек миллий урф-одатларининг, тарбиясининг фойдали, муҳим томонлари — катталарни ҳурмат қилиш, фарзандлик бурчи, Ватанга содиқлик каби яхши фазилатлари ўргатиб борилса ёҳуд ўзбек мактаблари ўқувчиларига оврўпоча тарбиянинг илғор жиҳатлари ҳақида тушунча берилса,. жуда ўринли бўлади.

Миллий таълим ва тарбиянинг муҳим томонларидан яна бири мактабларда миллий ҳунарларни ўргатишдир. Бугунги кунда бир қанча мактабларда қандолатчилик, пазандалик, бичиш-тикиш, дурадгорлик, ганчкорлик, қишлоқларда эса чорвачилик, боғдорчилик, кулолчилик каби ҳунарларни ўргатиш йўлга қўйилган. Энди уларни кенг миқёсда оммалаштириш зарур.

Мулоқотда миллий мактабни шакллантириш юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жон куйдириб айтилган жўяли фикрлар мулоқот руҳига ажиб кўтаринкилик бахш этди. Ҳар бир фикрда фақат миллий қобиқда ўралашиб қолиш баъзи ҳолларда умумишимизга зарар етказиши мумкинлиги таъкидланди. Мактаб ўқувчилари компьютер билан «тил»лашишни, чет тилларини яхши билиши, бунинг учун уларга дунёвий илмга эга бўлган ўқитувчилар дарс бериши зарурлиги уқтирилди.

Бизнинг назаримизда, ўзбек ифтихори, ғурурини ўзида шакллантираётган Ватанга содиқ фарзандларни тарбиялаётган мактаблардан бирини тажриба майдончаси қилиб белгиламоқ, унга илмий-амалий раҳбарлик қилиш ҳуқуқини Халқ таълими вазирлиги, муаллимлар тайёрловчи бош маскан — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ҳамда Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ўз зиммаларига олмоқлари лозим. Ана шунда кун тартибида турган «Миллий мактаб деб аталмиш «Гулдаста»ни қандай ва қачон шакллантирамиз?» деган саволга қисман жавоб топган бўламиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

НИЯТЛАРИ ЭЗГУ «МАЪРИФАТ»

Бир йилдирки, жумҳуриятимизда жаҳон Халқаро «Маърифат» Жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида қилинган ишлар, олдиндаги режалар ҳамда мавжуд муаммолар хусусида жамият президенти, журналист Муҳиддин Жабборов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жамиятнинг ибтидоси ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, ташкил этилган «Маърифат» дорилфунунини эслашга тўғри келади. Негаки, асосий мақсадлари — Ўзбекистоннинг русийзабон фуқароларига ўзбек тилини ўргатиш, турли идораларда ўзбек тилида иш юритишда ёрдам бериш ва хорижий тилларни ўргатиш бўлган бу дорилфунун бундан бир йил олдин халқаро жамиятга айлантирилди. Унинг бош вазифаси — ўзбек халқининг тарихига, бой маданий ва маърифий меросига ҳайрихоҳ бўлган хорижий ташкилотлар, жамиятлар ҳамда фуқаролар эҳтиёжини қондириш.

Халқаро жамият тил ўргатиш билан бир қаторда мустақил ўқув-маърифий жамоат бирлашмаси сифатида республикамизнинг кўпмиллатли аҳолиси, МДҲ ва хорижий мамлакатлар фуқаролари ўртасида халқимиз тарихи, адабиёти, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи ва анъаналарини кенг кўламда тарғиб этади. Жаҳондаги турли ташкилот ва жамиятлар билан ҳамкорлик қилади. Улар билан биргаликда халқаро анжуманлар ва учрашувлар ўтказиш, шартнома асосида ўзбек тили, тарихи, миллий удумлари ҳамда анъаналари тўғрисида дастурлар, услубий тавсияномалар, ўқув қўлланмалари, видеотасвирлар тайёрлаб бериш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан.

Ҳозирда республикамизнинг бир қатор вилоятларида жамиятнинг бўлимлари очилган. Ҳадемай барча вилоятларда бу иш тўлалигича ҳал бўлишига шубҳамиз йўқ. Шу билан биргаликда чет давлатлар уюшмалари ва жамиятлари билан алоқалар ўрнатиш ҳаракатига тушганмиз. Нью-Йоркдаги «Туркистон» Жамияти раиси Абдуллоҳ Хожа жаноблари биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини хабар қилди. Хитой, Олмаота, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқа бир қанча давлатларда фаолият кўрсатаётган баъзи ташкилотлар билан ҳам борди-келдини йўлга қўйдик.

Шунингдек, собиқ СССР ҳудудидаги барча давлатларга Жамиятимиз Низоми ва хат билан мурожаат қилдик. Латвия, Эстония, Россия, Татаристон, Қозоғистон, Бошқирдистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа республикалардан ўзаро алоқага розилик билдирилган хат ва телеграммалар олдик.

Юқорида санаб ўтган ютуқларимиз қаторида бизда ўзига яраша муаммолар ҳам йўқ эмас. Жамият ҳали ёш бўлганлиги сабабли маблағ масаласида бироз мушкулликлар сезилиб қолаяпти. Эзгу мақсадларимизга хайрихоҳ бўлган ташкилот ва муассасалар имкониятлари даражасида моддий тарафдан кўмаклашсалар, яхши бўларди. Жамиятимиз оёққа туриб олса, хорижга чиқиб Ўзбекистонга ўқишга келадиган чет эллик ёшларга ўша ёқнинг ўзида ўзбек тилини ўргатиш ниятимиз бор. Шу мақсадда хорижий мамлакатларга 150 дан ортиқ мутахассис бир йил муддат билан ишга борадилар.

Мавжуд молиявий қийинчиликларга қарамай, фидойиларимиз ўзбекча-арабча, ўзбекча-инглизча, ўзбекча-немисча ва яна бир қанча тилларда дастурлар тайёрлашди. Ўйлаймизки, эл-юрт обрўси, равнақи йўлида астойдил қўйилган қадам ҳамиша қутлуғ бўлади.

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ САРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш мақсадида жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз соҳасининг асосий йўналишларини акс эттирувчи концепцияни — олий таълим ислоҳи дастурини ишлаб чиқиб, уни муқобил вазирликлар, идоралар ҳамда олий ўқув юртлари илмий кенгашлари аъзолари иштирокида кенг муҳокама этиб, вазирлик коллегиясида тасдиқлади.

Концепцияда «Таълим тўғрисида»ги Қонун мазмуни, илғор хорижий олий ўқув юртларининг ўқув, услубий ҳамда илмий ишларни ташкил этишдаги тажрибалари, республикамиз олий ўқув юртларининг сўнгги йилларда эришган муваффақиятлари инобатга олинган. Ислоҳот дастурида республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги, Ўзбекистон халқларининг ахлоқий ва маданий ўзига хослиги ҳам назарда тутилган.

Олий таълимдаги ислоҳотнинг муҳим мақсади — ўқиш-ўқитиш ишларининг сифат даражасини янги поғонага кўтаришдир. Шу боисдан у муҳим қийматга эга бўлиб, жумҳурият олий таълимини жаҳон таълим тизимига боғлаш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича давлат комиссияси йиғилиши олий таълим концепциясида муҳим ўрин эгаллаган жумҳурият олий ўқув юртларининг бакалавриатура ва магистратурасида мутахассислар тайёрлаш бўйича йўналишлар ва мутахассисликлар классификаторини тасдиқлашга бағишланди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи С. З. Ғуломиддиновнинг шу мавзуга оид ахбороти тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича давлат комиссиясининг раиси Н. Р. Юсуфбеков қатнашди.

З. ТУЛАГАНОВА.

Меҳнат—тарбиячи

Пойтахтимиздаги 28-мактабда ўқувчиларга билим бериш билан биргаликда уларни ҳаётга тайёрлаш, меҳнатга чиниқтириш борасида ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Мазкур мактабда ўқувчиларга миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатиш учун махсидўзлик, гиламдўзлик тўгараклари ташкил этилган. Меҳнат таълими ўқитувчиси Абдухалил Тожибоев, махсидўзлик тўгараги раҳбари Шукур Бобораҳмедовларнинг ўқувчиларга бобомерос касб сирларини ўргатишдаги хизматлари ибратлидир.

Суратда: Тошкент шаҳар мактабларининг бир гуруҳ меҳнат таълими ўқитувчилари 28-мактаб меҳнат таълими тўгараклари ишини кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ИШ УНУМИ — ТАЖРИБА МАҲСУЛИ

Таълим ва тарбиянинг савиясини, сифати ва самарадорлигини оширишда, ўқувчиларни бозор иқтисоди шароитида турмуш кечириш ва меҳнат қилишга ўргатишда ўқитувчи асосий ва ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Бу ишларни амалга ошириш эса ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Биз ўз олдимизга вилоятдаги барча ўқитувчиларнинг яхши хислатларга эга бўлишига ёрдам беришни асосий вазифа қилиб қўйганмиз.

Ўқитувчи ўз касби бўйича маҳоратини энг аввал малака ошириш курсларида оширади. Шунинг учун институтимизда ташкил этилаётган курслардан ўтиш табиий зарурият эканлигини ўқитувчига тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунга эса шу бугунги талаблар асосида курслар самарадорлигини ошириш, ўқув-тематик режаларнинг ҳар бир тингловчи учун фойдали ҳамда қизиқарли бўлиши орқали эришиш мумкин. Курсларимиз педагогик диагностика ва шаҳар, туман халқ таълими бўлимларининг талаблари асосида ташкил қилинади. Шу жумладан, тажрибали ўқитувчилар учун сиртқи ёки экстернат, кўп болали, кекса ёки институтга қатнаб ўқишга шароити бўлмаган тингловчилар учун шаҳар ва туманлардаги таянч мактаблар қошида кўчма курслар, фанларнинг айрим соҳаларига бағишланган қисқа муддатли мақсадли курслардан ҳам фойдаланаяпмиз.

Тингловчиларнинг истаклари ва тест натижалари асосида, уларнинг тажрибаси ва иш стажини ҳисобга олган ҳолда ўқув-режалари ҳар бир курс учун алоҳида тузилмоқда. Ўқитувчилар ва халқ таълимининг бошқа ходимлари касб маҳоратларини ошириш билан бир қаторда, уларнинг сиёсий ва ғоявий, маданий савияларини оширишларига кўмаклашилмоқда. Жумладан, ўқув режаларига Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа рисолаларида халқ таълимининг иқтисодий масалалари, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш йўллари», «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаш усуллари, ўзбек халқ педагогикаси ҳамда Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиялари материаллари киритилди. Бундан ташқари белгиланган тартиб асосида курс тингловчиларига вилоятдаги тажрибали педагоглар ва туман халқ таълими бўлим мудирлари ҳам маърузалар қилиб туришади. Тингловчиларнинг билим савияларини янада ошириш мақсадида ҳар бир курсда икки маротабадан тест синовлари ўтказилмоқда.

Ана шу ишларни амалга оширишда биз вилоят халқ таълими бошқармаси ва Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти билан доимий алоқада бўлиб турибмиз. Вилоятимизда тез-тез Марказий институтнинг кўчма курсларини ўтказиш анъанага айланмоқда.

Таълим ишини янгилаш ва замонавийлаштириш мақсадида педагогларимиздан бир неча нафари Туркиядан келган мутахассислар ёрдамида турк тилини ўрганишди. Шунингдек, қисқа фурсатда 930 нафардан ошиқ ўқитувчилар олийгоҳимиз ва шаҳар ҳамда туман услубиёт хоналари базасида янги «Иқтисодий билим асослари» фанидан қайта тайёрлов курсларига жалб этилди. Ўқув жараёнида ЭҲМ ва компьютерлардан унумли фойдаланишни ўргатиш мақсадида ҳам фан ўқитувчилари қисқа муддатли курс машғулотларидан ўтказилиб, уларга гувоҳномалар берилди. 154 нафар ходимларимиз ўқув-техника воситаларидан фойдаланишни ўргатиш учун ташкил этилган курс машғулотларини пухта ўзлаштирдилар ва амалда жорий этишмоқда. Биз вилоятимиз мактабларида янгича ижодий изланишлар олиб бораётган ижодкор ўқитувчиларни аниқлаб, уларнинг иш усулларини ўрганиш ва бошқаларга ёйишни ҳам олдимизга асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Шу маънода кейинги йилларда ижодкор ўқитувчиларнинг ноанъанавий дарс машғулотлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильмлар яратилмоқда. Буларни мунтазам равишда семинарларда ҳамда институтимиз ёпиқ телестудиясида курс машғулотлари давомида намойиш қилмоқдамиз. Ҳозирги кунда видеотекамиз фондида 28 та илғор иш тажрибаси акс эттирилган видеокассеталар мавжуд. Бу йилги «Йил ўқитувчиси» вилоят кўрик-танлови қатнашчиларининг дарсларини ҳам тасвирга туширишни режалаштирганмиз.

Илғор иш тажрибаларини оммалаштиришнинг яна бир янги усули — бу ижодий мулоқотлар ёки ижодий учрашувлар ўтказишдир. Ижодкор ўқитувчилар билан бўлаётган бу учрашувлар ноанъанавий дарс намуналарини намойиш қилиш, шу ўқитувчи томонидан тайёрланган кўргазмали қуроллар, ўқув-методик материаллар кўргазмасини уюштириш билан бошланади. Кейинги икки йилда институтимиз ва шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари томонидан 90 дан ортиқ шундай учрашувлар ташкил этилди. Бу борада вилоят телевидениеси билан ҳамкорлигимиз катта фойда бермоқда. Масалан, шу йилнинг апрель ойида Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабнинг кимё ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Шокиржон Азизов билан бўлган ижодий мулоқот вилоят телевидениесида бир соат давомида водий бўйича намойиш этилди.

Изланувчан, тажрибали ўқитувчиларнинг ишини оммалаштиришда ташкил этилган илғор тажриба мактаблари ҳам сезиларли самара бермоқда. Ҳозирги кунда вилоятимизда 254 та ана шундай илғор тажриба мактаблари ташкил этилиб, ҳар бир ижодкор ўқитувчига 4—5 нафардан ёш мутахассислар бириктиб қўйилган.

Юқоридаги ютуқлар билан бирга, айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, тест синови, албатта, ҳозирги кун талаби. Ўқув юртларига тест синови орқали кириш лозим бўлгач, ўқувчиларга буни ўргатиб боришимиз керак. Аммо кузатишлар шуни кўрсатаяптики, баъзи мактабларда тест синовига қизиқиб кетиб, ўқувчилар билимини синашнинг энг самарали усулларидан бўлган оғзаки сўров, ёзма иш олиш, иншо ва баёнлар ёздириш каби синовларга эътибор сусайиб кетмоқда. Биз методистлар ҳозирги кунда тест синовлари билан бир қаторда ўқувчиларнинг билим даражасини синовчи бошқа усулларни ҳам тарғиб қилиб, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Фикримча, ўзини оқлаган янги тест усули илгаридан қўлланиб келинаётган анъанавий қимматли методларни инкор этмаслиги лозим.

Г. ҚАМБАРОВА,
Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори.

Бир ифода ё тимсол, тамсил ё тасвирни Алишер Навоий ўзининг бир неча асарида ишлатаверади. Шоир айни воқеани ҳам икки асарида қаламга олавериши мумкин.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг 35-бобида ажиб бир ҳикоят келтирилади. Навоий «эшитгимки» деб айтгани бу ҳикоятда Амир Темурнинг Ҳиндистонни босиб олиши маҳали юз берган бир воқеа сўзланади.

Мағлуб бўлган эл кофир эди, шунинг учун Темур Кўрагон қатли ом, яъни халқни бир бошдан қиличдан ўтказишни ҳукм қилди. Шунда ораларидан қил ўтмас икки қалин дўст ҳам қотилларга дуч келиб қолди. Сипоҳий жангчи дўстлардан бирига қилич кўтарганида, иккинчиси:

Ким санга мақсуд агар бош эрур,
Қўй ани, бу бош анга подош эрур,—

деб, яъни: «Агар мақсадинг бош олиш бўлса, дўстимни қўй, менинг бошимни ол, чунки бу бошимни дўстимга ҳадя қилдим»,— деб, ўз калласини қиличга тутади.

Сипоҳий: «Ундоқ бўлса, иккалангизнинг ҳам бошингизни чопганим бўлсин!»— деб, ҳар гал ҳамла қилганида дўстлардан бири қўйиб бири:

Ким мени қатл айла бурун, тез бўл,
Токи мен ўлгунча тирик бўлсун ул,—

деяверибди, ўзаро ўлим талашибди. Шу орада, табиийки, бирмунча фурсат ўтиб кетибди.

Бир пайт эл аро: «Подшоҳ одамларни қиличдан ўтказиш ҳақидаги ҳукмини бекор қилди!»— деган хушхабар тарқабди. Агар дўстлар бир-бирларига жон нисор этиб, бир-бирларининг ўлимларини кўришни истамай, тиғ талашмаганларида эди, аскар шу муддат ичида бу иккаловларининг ҳам, ким билади, яна неча кишининг ҳам ёстиғини қуритган бўларди. Демак, ана шу дўстга ҳаддан зиёд садоқати туфайли бу икки ёр ҳам ўзларию ва ҳам яна қанча одамнинг омон қолишига сабаб бўлибди:

Фош этиб ул сидқу мавaддат хавос,
Ҳам элу ҳам ўзларни бўлди халос.
Берса, Навоий, санга ёре Худо,
Сен доғи қил бошингу жонинг фидо.

Навоий ҳатто Амир Темурнинг одамларни қатл қилиш ҳақидаги фармонини бекор айлаганини ҳам ана шу вафодор, садоқатли дўстларнинг савоби — шарофатидан деб билади ва ўзини ҳам шундай дўст-ёр учун бош билан жонни фидо қилишга чорлаган бўлади.

Афсуски, айрим адабиётшунослар бу ҳикоятда келган «икки вафолиқ ёр» ифодасидаги «ёр» сўзини «дўст» маъносида эмас, «севишганлар» маъносида тушуниб, унинг бирини — «йигит», иккинчисини — «аёл» деб тушунтиришибди.

Ҳамма гап шундаки, Навоий икки вафоли ёрни аёл ё эр киши деб ажратиб ўтирмаган. Шунинг учун ҳам бу икки дўст «севишганлар» тарзида таҳт ул-лафз, яъни насрий баён қилинган.

Хўш, ҳар қанча «ёр» сўзининг асл маъноси «дўст» бўлса ҳам, бу ҳикоятда икки йигит ҳақида гап кетаётганини қандай исботлаймиз?

1981 йили профессор Ҳамид Сулаймон тузган «Алишер Навоий асарларининг бадиий қўлёзмалари» номи остида шоир асарлари қўлёзмаларига чизилган суратлар мажмуъи эълон қилинди. Ана шу мажмуанинг 8-сурати «Икки вафоли ёр ҳикоясига ишланган расм» деб номланган. Рўйхатда бу суратнинг Навоий замонасида — 1492/93 йили машҳур хаттот — Султон Али Машҳадий кўчирган «Хамса» қўлёзмасидан олингани айтилган. Бу қўлёзма Англияда — Виндзордаги қироллик кутубхонасида сақланади.

Ана шу расмда Ҳиндистондаги қирғин барот акс эттирилган. Қилич билан чопилаётган одамларнинг бари — эркаклар. Ҳодиса кўчада юз беряпти. Аёллар эса уй ичидан, томдан, деразалардан бу қон тўкилишини кўриб, фарёд кўтаряптилар. Ўртада икки йигит от устидаги қилич кўтарган сипоҳийга: «Олдин мени ўлдир, олдин мени ўлдир!»— қиляпти.

«Ҳайрат ул-аброр»даги мазкур, ҳикоятнинг яна бир нозик жиҳати баъзи шарҳларда нотўғри талқин этилибди. Навоийнинг ёзишича, икки вафоли ёрнинг бир-бирига жон фидо қилгани хабари Амир Темурга етиб боргани йўқ, бу фидойиликнинг савоби (!) туфайли омон-омон эълон қилинди. Айрим таҳлилларда эса: «Вафодорликнинг бундай мислсиз тимсолидан ҳайратга тушган Амир Темур икки вафоли ёр ҳамда бутун халқни афв этиб, ўлим ҳақидаги ўз фармонини бекор қилади»,— деб ёзилибди.

Икки вафоли ёрнинг иккаласи ҳам йигит киши эканини исботловчи бошқа бир далил ҳам бор. «Садди Искандарий»нинг 25-бобида ҳам худди ана шу бир-биридан олдин ўлим тилаган икки дўст ҳақида ҳикоя қилинади. Боб сарлавҳасида «икки ёр» дейилгани билан, байтлардан бирида улар «икки рафиқ», яъни «икки ўртоқ» ҳам деб аталди, сўнгги байтда эса шоир «рафиқ» сўзини ҳам қўллайди. Бу «ўртоқчилик», «жўрачилик» маъноларини беради. Ана шундан бу икки ёр ҳам ўзаро дўст йигитлар — жўралар эканини билиб олган бўлса керакки, «Садди Искандарий» насрий баёни муаллифи Иноят Махсумов тўғри таржима қилган.

ИККИ ВАФОЛИ ЁР

6-СИНФ АДАБИЁТ МУАЛЛИМЛАРИ УЧУН

Ҳикоят бу ерда бошқача асосда баён қилинади. Чингизхон билан Хоразмшоҳ ўртасида қаттиқ адоват юзага келиб, кўп қон тўкилишига сабаб бўлади. Чингизхоннинг қўли баландлик қилиб, қаерни босиб олса, одамларини бир бошдан қириб ташлашни буюраверади.

Шом мамлакатида бўлса керак, икки ўртоқ бир кофирнинг қўлига асир бўлиб тушган эди. Улар жонларидан умидларини узиб бўлган эдилар. Фақат қотилдан ҳар бири аввал ўзининг ўлдирилишини, кейин эса дўстига тиғ уришини илтимос қилар эди, ҳар бири тиғ кўтарган кофирга бошин очиб тутар эди:

Тилаб ҳар бири айламак ибтидо,—
Ки жонин яна бирга қилғай фидо.
Бу ҳолатда қотил чекиб тиғи қатл,
Бирисига қилди аён тиғи қатл.
Яна бир бошин очиб, этмай ҳарос,
Аён айлади ёлбориб илтимос,—
Ки: «Аввал менинг бошима тиғ сур,
Чу мен ўлдум, ул дам анинг бўйнин ур!»
Мунга чун, ки майл этти ўлтургали,
Бошиға жафо тиғи тегургали.
Очиб бошин ул бир ҳам айлаб ҳавас,
Неким эрди аввалғиға мултамас.

Шомда шундай воқеа бўлиб тургани Чингизхоннинг тушига киради. Тушида бир киши унга: «Шу бир-бирига садоқатли дўстдан ўрнак олиб, халойиққа озор беришингдан воз кеч!»— дейди. Чингизхон уйқусидан уйғониб, қирғин барот ҳақидаги фармонини бекор қилади.

Бу хабар Шомга — ўша икки дўстни ўлдирмоқчи бўлган қотилга ҳам етиб боради. Бу воқеадан таъсирланиб, у инсофга келади ва ана шу асирларини озод қилиб юборади.

Тушида сўзлаган киши Чингизхонга: «Икки дўст бир-бирига шунча вафою садоқат кўрсатиб турганда икки шоҳ бир-бирига адоват қилиб, жаҳонни бузиши тўғримди?»— деган эди. Шоир икки дарвеш, яъни вафодор дўстнинг ҳиммати икки шоҳнинг кинахоҳлигини йўқотишга ҳисса қўшгани ҳақида ёзади:

Ики шоҳ чун бўлдилар кинахоҳ,
Жаҳон аҳли бўлди саросар табоҳ.
Вале икки дарвешнинг ҳиммати,
Мувофиқлиғи юмну хосияти,—
Ки қилдилар ийсор жони ҳазин,
Кўтарди жаҳон аҳлидин тиғи кин.

Бу бир воқеа асосидаги икки ҳикоятда Навоий яхшиликка яхшилик қайтади, деган ақидасида содиқ қолган. Бу ғоя шоирнинг бошқа талай асарларида турли-турли ҳаётий далиллар асосида илгари сурилганини кўрамиз.

Алишер Навоий ҳазратлари ҳар томонлама ҳақлар: дунёни жаҳолатдан фақат ва фақат эзгулик қутқаради!

Султонмурод ОЛИМ,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими.

Ўқитувчига ёрдам

«ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Марҳамат тумани халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан уч босқичда мактабгача тарбия муассасаларининг тажрибали тарбиячилари ўзаро куч синашдилар. Биринчи босқичда 40 нафар, иккинчи босқичда 17 нафар тарбиячи иштирок этди. Кўрик-танлов 4 турга бўлиб ўтказилди. Учинчи турга 5 нафар энг билимдон, зукко, чаққон тарбиячилар иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Яқинда ана шу икки босқич ғолиблари туман биринчилиги учун беллашдилар. Мазкур танловга жиддий тайёргарлик кўрилгани иштирокчилар жавобларидан яққол намоён бўлди.

Кўрик-танлов якунига кўра, биринчи ўринни эгаллаган «Ғунча» болалар боғчаси тарбиячиси Гулчеҳра Каримова 40 минг сўм, иккинчи ўринни эгаллаган 10-болалар боғчаси тарбиячиси Маҳбуба Абдусаматова, 15-болалар боғчаси тарбиячиси Шоира Исмоиловаларнинг ҳар бири 25 минг сўмдан, учинчи ўринни эгаллаган 1-болалар боғчаси тарбиячиси Ибодат Тешабоева 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирландилар. Кўрик-танловга шаҳардаги ип-йигирув ва тўқув фабрикаси ҳомийлик қилди.

А. ЭРАЛИЕВ.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Шайхонтоҳур тумани мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар «Келинг, танишайлик», «Боғча муаммолари», «Берилган икки сўздан мақоллар тузинг», «Мени қизиқтирган одам», «Моҳир қўллар», касб маҳорати шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Танловда 568-боғча тарбиячиси Гулнора Умарова биринчи ўринни эгалладн. Иккинчи ва учинчи ўрин 171, 342-боғчаларнинг тарбиячилари Маҳфуза Аҳмедова ҳамда Шаҳноза Сарваровларга насиб этди.

Суратда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

ИРИНАНИНГ ОМАДИ

Пойтахтимиздаги Индира Ганди номли тиқувчилар саройида Миробод тумани боғчаларининг 8 нафар тарбиячиси ўзаро беллашдилар. Тарбиячиларнинг касб маҳоратлари тўрт турда синовдан ўтказилди.

Танлов якунига кўра Ирина Гуценко биринчи, Зиёда Мақсудова иккинчи, Ольга Брокк учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Миробод тумани халқ таълими бўлими мудираси Баҳринисо Жўрақулова ғолибларга 50, 30, 20 минг сўмкупон миқдоридаги пул мукофотини топширди.

Шу билан бирга, кўрик-танлов қатнашчиларининг ҳар бири ўн минг сўм-купон билан тақдирландилар.

Ғолибларни республика Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова қутлади.

Мухбиримиз.

Талабалар кўрик-танлови

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Ўрта ва олий мактаб маданий-маърифий ишлар ўчоғи сифатида Ватан, миллат ва тилимиз истиқболи билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, келажагимиз таълим-тарбия масканларида таҳсил олаётган ёш авлоднинг билими, ақл-идроки, муҳими, мустаҳкам имон-эътиқоди билан белгиланади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабалари ўртасида ўтказилаётган турли тадбирлар ҳам худди шу мақсадга қаратилган.

Тил байрами шарафига институтимиз талабалари ўртасида «Она тилим — жону дилим» шиори остида ўтказилган кўрик-танлов ўзига хос тажриба бўлиб, толиби илмларни мустақиллик, Ватан ва тил тўғрисида янада жиддийроқ ўйлашга чорлади. Кўрик-танловда табиий фанлар факультетлари талабалари диктант ёзган бўлсалар, ўзбек ва қозоқ филологияси факультети талабалари «Мустақиллик — ажддодлар армони», «Она тилим — жону дилим», «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзулари бўйича ижодий иншо ёзиб, ўзаро куч синашдилар.

Ўзбек ва қозоқ филологияси факультети 2-босқич «А» гуруҳи талабалари Ҳасан Нишонов, Азиза Бекжоновалар 1—2, рус гуруҳларида ўзбек тили бўлимининг 4-босқич талабаси Меҳри Кенжаева 3-ўринни эгаллаб, пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Талабалар ўртасида катта қизиқиш уйғотган шу хилдаги кўрик-танлов ўтказиш институтда бундан кейин анъанага айланишини алоҳида таъкидлаш билан муҳтарам ҳамкасбларимизда бирор фикр уйғотар деган мақсадда биринчи ўринга лойиқ топилган ижодий ишлар матнини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Боқижон ТУХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор, танлов ҳайъати раиси.
Сафо МАТЖОН,
филология фанлари номзоди, доцент, ҳайъат котиби.

Ватанни севмоқ имондандир.

(Ҳадис).

Ушбу иншони бошлашдан аввал Ватан ҳақида уч-тўрт сатр чиройли шеър келтирмоқчи бўлдим. Аксига олиб, билган шеърларимдан ҳеч қайсиси кўнглимдан қоғозга тўкилишни истамади. Шеър ҳақида тўрт-беш дақиқа ўйланиб қолдим ва бир ҳақиқат — Ватанга бўлган муҳаббат Ватан ҳақида чиройли шеър айтиш билан ўлчанмаслиги менга тасалли бўлди.

Ватан ҳақида ўйлайман...

Сиз тоққа чиққанмисиз? Мен болалигимда кўп чиқардим. Акамлар билан, жўралар билан. Тоғимизда (биз уни шундай ўзимизники қилиб олгандик) бир баланд чўққи бўлар эди. Биз уни «Эгартош» деб атардик. Унга унча-мунча одам чиқолмасди. Шундан бўлса керак, «Эгартош»га чиқишнинг гашти бошқача бўларди. Чўққига чиқсангиз, ҳар тараф кафтдек кўринади. Ҳар сафар болалар билан чўққига чиқардик-да, ажиб бир гўзалликка дуч келар эдик. Узоқ-узоқларда осмон билан ер бирлашиб кетган. Пастда қишлоғимиз ястаниб ётади. Дарахтзорлар тўлғонади.

Қайсидир хонадонда нон ёпилаяпти. Қанчалик қийналиб чиққан бўлишимизга қарамай, бирдан менинг уйга кетгим келиб қолар эди. Негалигини билмасдим. Энди биламан.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Остона эса муқаддасдир. Ровийлар сўйлайдиларки, қадим замонда бир юрт бўлган экан. У юртнинг подшоси элсевар, ҳақгўй, жасур йигит экан. Фуқаро меҳнатсевар бўлиб, бой-бадавлат яшар экан. Бир куни у юртга қўшни юртнинг подшосидан элчилар келибди. Улар ўзларининг подшоси катта қўшин билан мамлакат сарҳадларида турганлигини, агар бойликларининг ярмини бермасалар, уруш бошлашларини айтишибди. Подшо, яъни йигит эл-юрт тинчлигини ўйлаб, бойлигининг ярмини элчиларга беришга мажбур бўлибди. Эртасига элчилар яна келишибди. Бу сафар улар подшонинг ёш ҳамда чиройли хотинини талаб қилишибди. Подшо яна эл-юрт тинчлигини ўйлаб, ноилож хотинини элчиларга топширибди. Учинчи кун ҳам элчилар келишибди-да, лашкарнинг оёғи остига сочиш учун бу юртнинг бир сиқим тупроғини сўрашибди. Шунда йигитнинг нафрати денгиздай тошибди. Қиличини суғуриб, шартта элчиларнинг бошини олибди-да, қўшинини жангга бошлабди...

Мана, сизга Ватан севгисининг қудрати!

Баъзан ўйлаб қоламан. Ҳаммамиз ҳам Ватанни чин дилдан сева оламизми? Ватан учун, керак бўлса, жонимизни ҳам қурбон қилишга тайёрмизми? Ватанни ҳимоя қилишга, унинг шуҳратини янада юксакларга кўтаришга қодирмизми? «Ҳа», дейман баралла. Оллоҳ ишқи дилда экан, Ватан ишқи ҳам дилдадир. Дилида ИШҚ бор одам ҳаммасига қодирдир.

Ҳасан НИШОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими II курс «А» гуруҳи талибн.

Республика ҳунар-техника билим юртлари ходимларининг малакасини ошириш институтида ҳам хилма-хил тадбирлар ўтказиб туриш анъанага айланган. Шундай тадбирлардан бири яқинда тарбиявий иш услуби кафедраси ўқитувчиси Тамара Ҳамидова ташаббуси билан ўтказилди. Кеча «Бозор иқтисодиёти шароитида ўспиринннинг тарбияси ва қонун устиворлиги» мавзуига бағишланди. Республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан келган тингловчилар иштирокидаги бу очиқ мулоқотни Тошкент шаҳридаги 3-

ТАРБИЯНИНГ УФҚИ КЕНГ

ўрта ҳунар-техника билим юртининг тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Абдурасул Дўстмуродов кириш сўзи билан очди.

Мулоқотда институт кафедрасининг ўқитувчилари Шуҳрат Юсупов, Баҳтиёр Нуриддинов, Олим Тошмуҳамедов, Лайло Ҳидоятова, Маркс Абдурасуловлар сўзга чиқиб ўсмирлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги тажрибалар, усуллар, бу соҳадаги муаммолар ҳақида батафсил фикр билдиришди ҳамда тингловчиларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар.

О. АЛИМАРДОНОВ.

Олим таклиф қилади

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Ўтган йили мамлакатнинг барча олий ўқув юртларида абитуриентлар тест усулида имтиҳон топширдилар. Яхши натижага эришган ёшлар биринчи курсларга қабул қилиндилар.

Собиқ Иттифоқ давлатлари орасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб тест усули жорий этилишининг икки муҳим томони бор. Биринчиси — таълим тизимида муҳим саналган кириш имтиҳонларининг ислоҳ қилиниши бўлса, иккинчиси — тест имтиҳонлари орқали олий таълим тизимини қайта кўриб чиқиш бўлди. Гап таълимдаги эскича услубни янгилаш хусусида боракан, ўрта таълим тизимининг ҳозирги кун талабига жавоб бермай қолган айрим жабҳалари хусусида ҳам тўхталиш ўринлидир. Масалан, мактабни туғатиб келаётган ўқувчилар кўпчилигининг билими ҳали кутилганидек эмас. Шундай экан, олийгоҳларга кирувчилар учун махсус ўқитувчилар ёллаш, қўшимча тайёргарлик кўриш, қайта тайёрлаш курслари ташкил этиш каби вазифалар кун тартибида турибди.

Энди олий таълим тизимида мавжуд эскича ишлаш услубининг яна бир жиҳати ҳақида. Маълумки, мавжуд тизим яқин-яқингача турли кўрсаткичлар, режалаштириш, курсда қолиб кетишга чек қўйиш каби йўналишларга эга бўлиб келди. Амалда эса бу ишлар сунъий ҳолда бажарилди. Айрим олий билимгоҳларда танишбилишчилик туфайли талабаларга ҳамон юқори баҳо қўйиш ҳоллари ҳам давом этиб келаётганлиги сир эмас. Баъзи ўқитувчилар феълатворида нўноқлик, фанни билмаслик, ўзи билмайдиган нарсани талабадан талаб қилиш каби ҳолатлар учраб туради. Дарслик етишмаслиги, аудиторияларда жиҳозларнинг камлиги, кўргазмали қуролларнинг тақчиллиги каби муаммолар ҳам юқоридаги камчиликлар билан бирикиб, пировард натижада бўлажак мутахассисларни бўш, билимсиз, лоқайд, тор дунёқарашли кишиларга айланиб қолишига сабаб бўлди. Мен бу муаммоларни кўтариб янгилик яратмаяпман, лекин узоқ ўйладим, фикр юритдим, аҳволни ўнглаш учун эса қуйидагича таклифларни билдирмоқчиман:

а) давр ўзгарди, эндиги талаб ҳам ана шунга лойиқ бўлмоғи керак. Бунинг учун олий ўқув юртига кирган ҳар бир йигит-қиз уни битириб чиқсин, деган «ғамхўрлик»дан воз кечиш лозим;

б) олийгоҳ ўқитувчиларини ҳам янги услуб асосида вақти-вақти билан тест имтиҳонларидан ўтказиб туриш, бу имтиҳонларни уч босқич (3 хил мураккаблик)да ташкил этиш, унинг натижаларидан келиб чиқиб кафедралар хулосалари орқали маош белгилаш, талабга жавоб беролмаган ўқитувчиларнинг илмий даражасини тушириш ёки ишдан четлаштириш;

в) эски йўналишдаги фақат олий ўқув юртидаги иш стажига қараб маош белгилаш усулидан батамом воз кечиш;

г) олийгоҳларда ички тартибни кучайтириш, жиҳозлар ва аудиториялардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш;

д) бир курсда икки йил ўқийдиган талабалардан унга сарфланган давлат харажатларини ундириб олишни йўлга қўйиш, имтиҳонларга қайта кирувчилар учун ҳам ҳудди шундай йўл тутиш, модий базани бойитиш;

е) талабаларнинг дунёқарашини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш, уларни сиёсий етук, иқтисодий, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлишига эришиш зарур.

Энг муҳими, олий таълимдаги ютуқлар, илғор усулларни ўқув жараёнига киритишни давом эттиравериш керак. Лицейлар, коллежлар қўпайишини, албатта, қувватлаш лозим. Республикамизда таълим ва тарбия ягона тизимга айланиши, мактаб таълими, қабул тизими ва олий таълим ўзаро бир-бирига боғланган бўлиши керак. Сифат эса бу ягона тизимнинг барча босқичлари учун бирдан-бир мезон бўлиб қолсин.

Зеро, Ўзбекистон жаҳонга ўзининг изчил, ўзига хос таълим тизимига эга эканлиги билан ҳам танилсин. Ана шундагина республикадаги олий ўқув юртларида талабаларга берилган билим бошқа мамлакатлардагидек қадрли, нуфузли бўлади.

Тўланбой ОРТИҚОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор, Бобур номидаги Андижон давлат университетининг тарбиявий ишлар бўйича ректор муовини.

Хотира

ЗАМИНГА МЕҲР ҚЎЙИБ...

Академик Ғани Мавлонов ҳаёт бўлганида 84 ёшга тўларди. У Тошкентда туғилиб, ўрта мактабда таълим олди. Кейин Ўрта Осиё индустриал институтига кириб ўқиди. Уни аъло баҳолар билан тугатиб, жўшқин меҳнатга — илмий ишга киришди.

Маълумки, Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда лёсс ва лёссимон жинслар (соғ тупроқ) кенг тарқалган. Уни ўзлаштириб, деҳқончиликда фойдаланиш, йирик ирригация иншоотларини барпо этиш ва умуман, ҳар қандай қурилиш ишларини бажариш жуда катта аҳамият касб этади. Лекин унумдор тупроқнинг чўкувчанлик хоссаси бор. Лёсс жинсларининг ана шу хоссасига қарши самарали курашиш тадбирларини ишлаб чиқмасдан қурилиш қилиш, ерларни ўзлаштириш катта зарар келтириши турган гап. Олимнинг номзодлик иши мазкур муаммоларни ўрганишга бағишланган эди.

Табиатдаги салбий ҳодисаларни башорат қила олиш, унга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш учун мазкур ҳодисаларнинг намоён бўлиш сирларини очиш лозим. Ғани Орифхонович Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий қисмларида кенг тарқалган лёсс ва лёссимон жинсларнинг келиб чиқишини ўрганиб, бу борада янги назария яратди. Бу олимларнинг узоқ давом этган тортишувларига чек қўйди.

Унинг докторлик иши лёсс ва лёссимон жинсларнинг келиб чиқиши турли омилларга, яъни доимий ёки тўсатдан пайдо бўладиган сув оқими фаолиятига боғлиқлигини исботлашга, шунингдек, бу жинсларнинг мукаммал таърифини беришга ҳамда улар билан боғлиқ салбий ҳодисалар олдини олишга бағишланган эди.

Орадан деярли ярим аср вақт ўтди. Ғани Мавлонов назарияси ўз аҳамиятини йўқотмади. У дунё миқёсида тан олинди. Ҳозирги пайтда унинг ўнлаб шогирдлари Ўзбекистонда ва чет элларда муваффақиятли иш олиб боришмоқда.

1966 йил. Тошкент зилзиласи. Ўзбекистон ҳукумати Ғани Мавлоновга Ўзбекистон Фанлар академиясининг сейсмология институтини ташкил этишни топширди. Олим унинг биринчи директори этиб тайинланди. Албатта, зилзила ер қобиғида ҳозирги замонда рўй бераётган тектоник ҳаракатлар оқибати эди. Бироқ унинг вайрон қилиш кучи, ер юзида намоён бўлиш даражаси кўп жиҳатдан муҳандислик геологияси ва гидрогеологияга оид шарт-шароитларга боғлиқ эканлиги тўғрисидаги Ғани Орифхонович ғояси унинг ер ҳақидаги илмнинг кучли билимдони эканлигини яна бир бор исботлади. Тез орада ер ости сувларининг кимёвий ва газ таркибидаги аномал ўзгаришлар яқинлашиб келаётган зилзиланинг илгари фанга маълум бўлмаган, башорат қилишнинг янги белгилари экани аниқланди. Шунга кўра, Ғани Мавлонов таклифи бўйича зилзила содир бўлиш вақтини аниқ айтиб беришни ўрганиш учун сейсмологик, геофизик, геологик тадқиқотларни биргаликда уйғунлаштириб олиб боришга киришилди. Фанда янги соҳалар — гидросейсмология ва муҳандислик сейсмологияси шаклланди. Масалага айнан шундай, ялпи ёндошиш, институт таклиф қилган услуб Олой зилзиласини 5 соат олдин айтиб беришга ва Газли, Исфара—Боткент, Назарбек ҳамда Чуст-Поп зилзилалари жараёнидаги қайта силкинишларни олдиндан башорат қилишга имкон берди.

Тошкент зилзиласи бўйича яратилган йирик монографиянинг бош муҳаррири Ғани Орифхонович мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги бир неча йирик анжуманлар — симпозиум ва кенгашлар ташкилотчиси бўлди. 1975 йилда олим ўзи раҳбарлигида ва бевосита иштирокида бажарилган ишлар, аниқроғи, Ўзбекистон ҳудудини сейсмик районлаштириш ва микрорайонлаштириш хариталарини ва уларнинг илмий асосини яратиш бўйича ишлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, академик Ғани Мавлонов бошчилигида Ўзбекистонда зилзилага чидамли қурилишларнинг геологик-геофизик ва инженерлик-сейсмологик асослари ишлаб чиқилди. Бу ўз навбатида шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишда, метро қурилишида ва бир қатор гидротехник иншоотлар лойиҳаларини тайёрлашда асқотди. Шу ўринда геология-минералогия фанлари доктори М. Зокировнинг Ғани Мавлонов ҳақидаги хотирасини келтирмоқчимиз: «Менимча, Тошкент метрополитени бекатларига қўйилган атоқли кишилар номи тўлиқ эмас. Мен улардан бирини академик Ғ. О. Мавлонов номи билан атаган бўлардим. Сабаби, олим Ўрта Осиё лёссларини ўрганиб, ундан ўзига хос янги генетик турдаги лёссни — тошқотган лёссни ажратиб, ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Тошқотган лёсс метрополитен қурилиши учун пойдевор вазифасини ўтади. Унинг номи билан аталган метро бекати олимнинг фан, жамият олдидаги хизматлари эътироф этилганидан далолат берувчи ажойиб ёдгорлик бўлур эди».

Саидориф ҚОСИМОВ,
геология-минералогия фанлари доктори, профессор,
Ғофир РАШИДОВ,
геология-минералогия фанлари номзоди,
Эркин ЭСИРГАЛИЕВ,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ БЎЙИЧА 1994 ЙИЛ УЧУН ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ЙИҒИБ ТОПШИРИШ ТАҚСИМОТ РЕЖАСИ

БОШҚАРМА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАР	қора металл парчалари (т. ҳисобида)	Рангли металл парчалари (килограмм ҳисобида)			
		жами	шу жумладан: қўрғошин	алюминий	мис
Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	375	6199	340	1600	4259
Толстой номидаги Андижон педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Ленинск педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Бўз педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Андижон индустриал педагогика техникуми	30	—	—	—	—
Андижон ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	515	6199	340	1600	4259
Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	410	3660	250	830	2580
Ф. Хўжаев номидаги Бухоро педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Бухоро индустриал педагогика техникуми	30	—	—	—	—
Бухоро ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	490	3660	250	830	2580
Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	350	3199	80	730	2389
Қарши педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Шаҳрисабз педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Қашқадарё ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	430	3199	80	730	2389
Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	325	4999	180	960	3859
Наманган педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Чуст педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Косонсой педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Наманган ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	435	4999	180	960	3859
Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	446	7624	1300	1500	4824
Макаренко номидаги Самарқанд педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Ушинский номидаги Самарқанд педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Беруний номидаги Самарқанд педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Каттақўрғон педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Рус тили чуқур ўргатиладиган ва кучайтирилган ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлигига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернати	10	—	—	—	—
Самарқанд ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	576	7624	1300	1500	4824
Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	270	4764	200	1000	3564
Термиз педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Ангор педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Денов педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Сурхондарё ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	365	4764	200	1000	3564
Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	148	1661	120	400	1141
Сирдарё педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Гулистон педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Сирдарё ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	218	1661	120	400	1141
Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	197	3542	200	1300	2042
Жиззах давлат педагогика институти	80	—	—	—	—
Жиззах педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Жиззах ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	322	3542	200	1300	2042
Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	436	5499	600	1500	3399
Ангрён давлат педагогика институти	70	—	—	—	—
Ангрен педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Бекобод педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Тошкент вилоят ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	576	5499	600	1500	3399
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	266	7324	1500	1500	4324
Низомий номидаги давлат педагогика институти	60	—	—	—	—
Крупская номидаги педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Ленин номидаги педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Ражабий номидаги педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Машинасозлик бўйича республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази	30	—	—	—	—
Янги технология бўйича ўқув-ишлаб чиқариш маркази	30	—	—	—	—
Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази	15	—	—	—	—
Қалонов номидаги олий педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси	25	—	—	—	—
Индустриал педагогика техникуми	25	—	—	—	—
Республика ўқув коллектори	10	—	—	—	—
Ўқувчилар саройи	10	—	—	—	—
Республика техника ижодкорлиги маркази	10	—	—	—	—
Республика ёш табиатшунослар станцияси	10	—	—	—	—
Республика ёш туристлар маркази	10	—	—	—	—
Республика мусиқа тарбиячилари мактаби	10	—	—	—	—
Рус тили чуқур ўргатиладиган ва кучайтирилган ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлигига ихтисослашган республика мактаб-интернати	10	—	—	—	—
Тошкент вилоят педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Авлоний номидаги педагогика ходимлар малакасини ошириш Марказий институти	25	—	—	—	—
ЖАМИ:	701	7324	1500	1500	4324
Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	330	3307	80	400	2827
Навоий давлат педагогика институти	68	—	—	—	—
Навоий педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Навоий хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Навоий ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	444	3307	80	400	2827
Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	395	5424	150	1200	4074
Қўқон давлат педагогика институти	55	—	—	—	—
Қўқон педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Марғилон педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Фарғона хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Рус тили чуқур ўргатиладиган ва кучайтирилган ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлигига ихтисослашган республика мактаб-интернати	10	—	—	—	—
Фарғона ўқув коллектори	10	—	—	—	—
Қўқон ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	530	5424	150	1200	4074
Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	329	2899	80	500	2319
Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти	10	—	—	—	—
Хива педагогика билим юрти	30	—	—	—	—
Хоразм ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	379	2899	80	500	2319
Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги (фақат ҳунар-техника билим юртлари)	424	6899	940	1350	4609
Нукус давлат педагогика институти	50	—	—	—	—
Хўжайли педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Чимбой педагогика билим юрти	25	—	—	—	—
Беруний педагогика билим юрти	25	—	—		
Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаси	10	—	—	—	—
Қорақалпоғистон ўқув коллектори	10	—	—	—	—
ЖАМИ:	519	6899	940	1350	4609
ЖАМИ:	6500	67000	6020	14770	46210

Бола учун бошланғич синфларда олинган билимлар илмнинг юксак чўққиларига кўтарилишда илк поғоналар бўлиб хизмат қилади. Буни яхши тушунган Шароф Рашидов туманидаги 19-мактаб муаллимаси Турғуной Раҳимова ўқувчиларга ҳар бир дарсда пухта билим бериш ҳаракат қиляпти.

Суратда: Т. Раҳимова ўқиш дарсини олиб бораётган пайт.

А. БОЙИГИТОВ олган сурат.

Ота насиҳати

ЎҒЛИМГА ЎГИТЛАР

Ўғлим! Жигарбандим! Сен билан бўлган суҳбатларимнинг бирида ўқитувчилик касбини танлаганингни эшитиб, қанчалик қувонганимни, фахрланганимни билсанг эди. Демакки, орзуим ушалди. Бобонг бошлаб берган эзгу ишнинг давомчиси сен бўласан. Ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касбни танлаган сулола анъаналари давом этади...

Билгинким, ўқитувчилик улуғ, машаққатли ва покиза касбдир. Аввало, яхшилаб ўйла, Сен унга ўзингни бахш эта оласанми? Чунки ўқитувчилик косиблик эмас. Сен бу касбни танлар экансан, унинг барча қийинчиликларига дош беришинг, баланд ва пурвиқор чўққилари томон интилишинг, кечуви оғир дарёларини забт этишинг, бутун борлиғинг, кучинг, қобилиятинг, салоҳиятингни ана шу ишга бахшида айлашинг, Навоий, Беруний, Ал-Хоразмий, ибн Сино, Абдухолиқ Ғиждувоний, Яссавий, Розий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Авлоний каби алломалар яратган жавоҳирлар сандиғи калити билан қуролланиб, шарқнинг асл дурдоналаридан ўзингни бахраманд этишинг, ўз билиминг билан ёш авлод шуурини ва қалбини нақшламоғинг керак бўлади.

Билгинки, бу касб сендан фидойиликни, босиқликни, фикрлаб иш юритишни талаб этади. Ҳар бир толиб ва толиба сенга ўхшашга, сендан ўрганишга, сендек бўлишга ҳаракат қилади. Халқимизда асрлардан буён давом этиб келаётган ажойиб бир удум бор: устозларни доимо халқнинг энг илғор вакили сифатида эъзозлаб, унга меҳр ва мурувват кўрсатишади. Халқ унга ишонади, ундан маслаҳат сўрайди, унинг йўл-йўриғи бўйича иш тутади.

Афсуслар бўлсинки, яқин ўтмишда устозларга нисбатан эътибор кескин сусайди. Унга айрим кишилар паст назар билан қарашга одатландилар. Лекин ўз қадр-қимматини билган, мактабни ва ўқувчиларни чин дилдан севган ўқитувчилар бор эканки, улар «турғунлик» деб аталмиш ўша бўронли йилларда ҳам асл лаъл каби нур таратиб туравердилар. Бонси улар энг аввало ўз кучларига ишонганликлари, халқнинг қувонч ва ғамига шерик бўлганликлари, ўз эътиқодларига содиқ қолиб, касбларини қимоя қила олганликларидадир. Эндиликда таълим ва тарбия тоза ўзанлардан бахраманд бўлмоқда, зеро, сен муаллимлик касбининг этагидан тутмоқчи бўлсанг, инсонийликнинг қуйидаги асл қоидаларига риоя қил:

— ўз қадр-қимматингни, ўрнингни бил. Ҳеч маҳал бировлардан ўзингни устун қўйма, манмансирама. Камтар бўл;

— ширин сўз, хушмуомала, мулозаматли бўл. Гапирганингда шошмасдан, мулоҳаза қилиб сўзла. Суҳбатдошингни тинглашни ўрган, гапини бўлма. Фикрини охиригача тингла. Унинг фикрини тўлдиришга шошилма;

— кийинишга эътибор бер. Доимо озода, тартибли; ораста кийин. Ўзингга ортиқча зеб берма. Ўқувчинг сенга тақлид қилишини мудом эсингдан чиқарма;

— ўқувчилар шахсини ҳурмат қил! Шахсиятига тегадиган ҳақоратли сўзларни ишлатма. Ўқувчингга қўл кўтарма. Бу уни маънавий «мажруҳ» қилиб қўйишини ёдингда тут;

— виждон ва иймон билан иш тут. Шахсий намунанг билан ўқувчингга таъсир кўрсат. Мукофот учун, мансаб учун таъмагирлик қилма. Доимо ўқувчингни тўғри баҳола;

— халқ дарди ва унинг ташвиши билан яша. Тўйларда, маросимларда, таъзия ва қайғули дақиқаларда доимо халқ билан бўл. Унинг оғирини енгил қилишга, озгина имкониятинг бўлса ҳам, ҳаракат қил;

— ёлғиз кишиларни, қарияларни, ёрдамга муҳтож кишиларни ва беморларни доимо йўқлаб тур. Қўлингдан келса, ёрдам қил, яратгандан ва халқдан дуо оласан;

— бир жойда депсиниб қолма! Имкон топдим дегунча, ўз билимингни ошир. Ҳар кунги янгиликлардан бохабар бўл, уни халққа етказишга ҳаракат қил;

— халқ яратган асл анъаналар, урф-одатлар, байрамларнинг ўтишида фаол бўл. Бу борада имкони борича халқни руҳлантир. Чунки асрлардан бери халқимиз яратган бу анъаналарни кўз қорачиғидек асраш, уни келажак авлодга етказиш ўз миллатини ва Ватанини севувчи ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир;

— энг муҳими, болаларни севишни, улар билан ишлашни, руҳий оламини ўрганишни, уларни билимли, иқтидорли, онгли қилиб тарбиялашни, халқини ва она заминини севишга ўргатишни, келажак учун фойдали инсонлар қилиб тарбиялашни ўрган.

Юқоридаги қоидаларни онгли ҳаётингнинг дастури қилиб белгилаб, шу асосда иш тутсанг, ишончим комилки, халқ орасида билимли, маданиятли устоз сифатида ҳурмат қозонасан!

Карим ҲАМРОЕВ,
Ғиждувон тумани Садриддин Айний номидаги 3-мактаб ўқитувчиси, «Йил ўқитувчиси» республика кўрик-танлови қатнашчиси.

Мактабни соғинаман

КЎНГЛИМНИНГ ЧАРОҒОН ГЎШАЛАРИ

Аллақачон йиғлаётган қалбим овунди.
Жамоатчи ўқитувчи — ўша одам-ей...
Титраб турган вужудимни янчди, совурди...
Шошилганча бошлаб кетди биркам сафни у
Байрамона хитоб айлаб: «Олға, дўстларим!»
Бир чеккада қандай қолдим, қандоғам қолдим,
Унутдими у борим ё йўқлигим маним?..
Ўша куни... ҳовлимизнинг орти — боғдаги —
Энг бурчакка бу дунёдан яширдим ўзни.
Ўша куни йиғлолмадим, бўзлагим келди,
Тополмадим юрагимда тош қотган сўзни.
Узоқ йиллар... ўша кунга минг қайтдим кўриб —
Кун-кун ора онам тиккан йиртиқ-ямоқни.
Одат қилдим тўртта одам йиғилган жойда
Уст-бошимга қараб... четга чиқиб турмоқни...
Узоқ йиллар.., токи отам икки одамнинг
Ишини қилиб бизга топиб келган ширин нон;
Токи онам оёғида бешик тебратиб
Қўлда бизга тикиб берган ул қуроқ чопон;
Токи онам қиш қорларин маҳсичан кечиб
Ҳар кун ювиб кийдирган ул бир кўйлак, иштон;
Токи отам., ажал тутиб, қон туфлатгунча
Бағрин ўтга бериб бизга тишлаб келган нон—
Имон каби энг муқаддас, ҳаётбахш, қутлуғ —
Эканини англагунча, узоқ, йиллар... оҳ...
Одамлардан, ўсмирликдан қочиб яшадим,
Таъқиб этар гўё мени ҳар нигоҳ...
Узоқ йиллар... ҳамон ўша-ўша хонадон...
Йиллар, билмам, ёшимизга қўшдими, олди?..
Ўсмирлигим хотири — уй пинжиларида
Маъюс қатим тортаётган қиз бўлиб қолди.

Ўсмирлигим остонасида юз берган бу воқеа, худога шукрки, яна қайсидир кўринишларда такрорланмади. Ўн-ўн беш йиллар ўтиб юқоридаги сатрлар ёзилмагунча, бу ҳақда ҳеч кимга сўзламаганман. Аммо ҳалиги—«жамоатчи» одамнинг муносабатидан кейин мурғак тафаккуримга камбағаллик гуноҳ, инсонни камситишга имкон берадиган қусур экан, қабилидаги бир тушунча кириб келди. Шу боисдан ўқитувчиларим илк шеърий машқларимга меҳру ихлос қўйишиб, мактабдаги тантанали йиғилишларда менга сўз беришгандаям, тортинчоқлигу титроқ овозимни ютиб юбораверарди...

Она шаҳрим Марғилоннинг истироҳат боғи-лари, илдам қадамлари, жонсаракликлари, талабчанликлари гўё мактабнинг ҳар бир нуқтасидан жаранглаб, кўриниб турарди.

8-синфда ўқирканман, тўрт қатор машқим «Марғилон ҳақиқати» газетасида босилиб чиққан куниёқ барча юқори синф ўқувчиларини ҳовлига йиғиб, Дадахонов худди ўзларининг ёки фарзандларининг йирик асари эълон қилингандай, газетани баланд кўтариб: «Қизимиз!» — деб, овозлари меҳру ғурурдан товланиб гапирганлари сира ёдимдан чиқмайди. Бу ҳолат қарийиб ҳар гал номим шаҳар газетида кўринганда такрорланарди.

Сотиболдиев деган ўқитувчимиз машқ дейишгаям арзимайдиган тизмаларимни сўзма-сўз таҳлил қилиб берардилар. Мақтамасдилар, ҳақиқий шеърият нималигини англатишга уринардилар. Қўлларида кўпинча Умар Хайёмнинг рубоийлари... Тантанали йиғилишларда бир чеккада, ўқувчилар қаторида турардилар. Ҳеч қандай унвонсиз, бунга интилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган Сотиболдиев ўқитувчи номини қутлуғ унвон даражасига кўтариб, минг-минглаб мен кабилар қалбига ёзганлари — ҳақиқат.

Болалар кўп савол берса, айрим ўқитувчиларнинг энсаси қотади. Аксинча, алгебра ўқитувчимиз Мажидова эса, ажаб, саволларимиздан завқланардилар, кўзлари чарақлаб кетарди.

Химиявий формулалар моҳиятини жонли нарсалар тимсолида кўз ўнгимизга келтириб қўювчи ўқитувчимиз Охунов, дарсларида қушдек ҳушёр ўтирмасанг, бирпасда саволларга кўмиб ташлагувчи хушчақчақ Замонов, рус тили ва адабиёти муаллимамиз Авласевич Раиса Викторовна... — ҳамма-ҳаммалари шу қадар яхши инсон, ҳақиқий ўқитувчи эдиларки, онгимга: «Ўқитувчилар ҳаётда бошқа одамлар билан яхши-ёмон муносабатда бўлишлари мумкиндир-у, лекин ҳеч қачон ўқувчига ёмонлик қилмайдилар», — деган ишонч ўшалар шарофатидан қуйилиб қолган бўлса керак.

...Мактабни битиришимиз арафасида дадам қаттиқ бетоб бўлиб қолдилар. Оиламизнинг тинчи йўқолди. Менинг имтиҳон топширишим билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Етуклик аттестати бериладиган кунлар яқинлашганда: «Битта Олтин медаль олиб келишибди», — деган гап тарқалди. Бироқ кимгалиги номаълум.

Табиийки, ҳар қандай ўқитувчи ўз таълимини олган ўқувчи бошқалардан устун бўлишини истайди. Мен бу мактабда 8-синфдан ўқий бошлаган бўлсам, ўн йилдан буён шу

Менинг ўрта мактабда ўқитган муаллимларимдан заррача ўкинмоққа ҳақим йўқ. Аксинча, мен учун улардан аълороқ устозлар йўқ, демоқлик бир умр фарзу қарздир. Азиз ўқитувчиларимнинг баъзилари ҳақида сал кейинроқ тўхталаман. Аммо ҳозир...

...У одам шаҳар пионерлар уйида бош пионервожатий бўлиб ишларди. Йиғинларда ташкилотчилик қилиб юрарди. Бир куни менга шаҳар миқёсидаги қандайдир тадбирга боришим кераклигини тайинлашиб, шу одамга учрашишимни айтишди. Форма билан фартук кийиш шарт, лекин менинг фартугим йўқ эди...

Нималиги эсимда йўқ: нурсиз, эскирган
Қай биримиз кийиб турган оқ либос эди.
Йиғлаб-йиғлаб илож топмай, «эпларсан»,— дея
Фартукликка охир онам ўшани берди.
Бешинчида ўқир эдим, кичкинамасдим,
Меҳнат дарси ўргатарди фойдали ишни.
Ён тўртинчи лампа чироқ нури, дудида
Ярим кеча тугалладим фартук тикишни.
Ечдим, кийдим, қайта-қайта ўзимни солдим
Ғира-шира аксим тушган уй дарчасига.
«Тикволдим», — деб онамниям тинчитиб қўйдим,
Тонг ҳам бирам имиллади шу тун аксига.
Эртасига тайинланган жойга йиғилдик,
Ҳар мактабдан битта-битта аълочи — бизлар.
Вазифамиз тушунтирди кутиб олгувчи:
— Зўр мажлисда гул тутасиз минбарга сизлар.
Сўнгра бизни сафга тизди бўй-бўйига мослаб,
Гоҳо юзга, кўзга қараб ўйга ҳам толди.
Менга навбат етганида... эҳ, фартугимнинг—
Этакдаги ямоғига тикилиб қолди...
— Сен четроққа чиқиб тур-чи! — деди ниҳоят,
Олифталар «чирт» эткизиб тупурган каби.
Бошқаларни тизди кейин иккита-иккиталаб,
Битта бола етишмади сўнгига сафнинг.
«Ҳозир менинг кўйир сафнинг шу кемтигига».

га девор-дармиён саккиз йиллик 15-мактабимиз бир қаватли эди. Лекин ҳамиша оппоқ оқланган. У ердаги ўқитувчиларимиз... эсласам... умримизнинг энг мағизли, билимга чанқоқ дилимиз қониб-қониб нур ичган, интилишу ҳаракатларимиз меҳру муҳаббат билан тақдирланган йиллари ўша мактабда кечгандай. Директоримиз Ҳакимов, илмий бўлим мудири Сотиболдиев, муаллимларимиз Тожибоева, Мила Содиқова, Каримов, Юсупов, Людмила Содиқова...

У пайтларда 6-синфдан бошлаб шаҳар ўқувчиларням кўрпа-тўшак билан пахтага ётоққа чиқишарди. Ўсмирлик... бетоб бўлиб пахтадан қолиб кетдим. Ҳар куни уйимизга мактабдан одам бориб, тезроқ пахтага жўнашим кераклигини талаб қилишарди. Ўша аҳволимда шифокорлар мени теримдан озод қилиш ҳақида ҳужжат ҳам беришмайди... Ниҳоят, кўрпа-ёстиқларим билан мактабга келдим. Директоримиз Ҳакимов юкларимни велосипедларига ортдилару колхоз томон пиёда йўл олдик. Йўлда учраган танишлари билан гаплашаркан, домла:

— Мана бунинг рангини қаранг, — дедилар менга ишора қилиб. — Шу аҳволда пахта тердириб, пахта кўтартириб бўладими?

Бу гапдан ҳайрон бўлдим. «Ўзлари тинмай уйга одам юбориб, тезроқ пахтага чиқишимни талаб қилишди-ю, яна нега норози?» — деган хаёл кечди дилимдан. Кейин, анча кейин англадимки, ўқитувчиларнинг ҳам ихтиёрлари ўзларида эмаскан.

7-синфни битирганимизда мактабимизни авария ҳолатида деб топишдию ўқувчиларни икки ёндаги мактабларга бўлиб юборишди. Мен 8-ўрта мактабга бордим. Ҳаётимнинг онгли мақсад сари илк қадамлари шу азиз масканда шакллана бошлаган бўлса керак.

Ҳамон мактабларга йўлим тушса, қадрдон 8-мактабимнинг озодалиги, саришталиги лоп этиб кўз ўнгимга келади. Бутун вужудларидан ғайрат, соғлиқ уфуриб, юзлари меҳру қатъиятдан нурланиб турадиган директоримиз Маҳмудхон ака Дадахоновнинг дона-дона сўз-

мактабда ўқиб битираётганлар орасидаям аълочилар йўқ эмасди. Шулардан биттасига медаль бериларкан, деган тахмин ҳам оралади. Мен учун медаль тугул ундан муҳимроқ нарсаларнинг-да аҳамияти йўқ эди, чунки дадамнинг аҳволлари кундан кунга оғирлашарди.

Белгиланган куни онам билан мактабга бордим. Кўпчиликнинг ота-оналари яхши кийиниб, фарзандлариниям чўғдеккина қилиб олиб келишибди. Онам билан залнинг орқарогига бориб ўтирдик. Директоримиз кириш сўзу табрикдан кейин бу йил мактабни бир ўқувчи Олтин медаль билан битираётганию ва бу мен эканимни айтганларида... айримларнинг ҳайронликлари ва менинг дилимдан ўтган кечинмаларни ифодалаб беролмайман. Яна кўз ўнгимга дадам — аъло ўқишимдан ҳамиша бошлари осмонга етиб юрадиган дадам келдилар: «Ёнимда бўлсалар эди...».

Аттестат билан тўғри шифохонага — дадамнинг олдиларига кетдим. Биз — фарзандлар дадамдан қарзимизни оз бўлса-да, узолмадик. У киши: «Илгари бойнинг боласига молу давлат мерос қоларди. Менинг сизларга қолдирадиган ҳеч нарсам йўқ. Шунинг учун имкониятим борлигида ўқиб олинглар». — дердилар. Ҳаётларининг сўнгида ўша аттестат билан дадамни яна бир марта қувонтирдим. Уни кўтариб ёнларидаги беморларга алоҳида-алоҳида мақтаниб чиқдилар... Орадан бир ярим ой ўтиб... тақдири азалнинг ҳукми падари бузрукворимизни абадият юртига олдию кетди.

Инсон кўнглини гулга қиёс қилишади. Болалар, ўсмирлар қалби ундан ҳам нозикмикин? Ўша—ўзим тиккан ямоқли фартукни кийиб борганимдаги яккаланиш воқеаси мактабни битиргунимча ҳам руҳимни эзиб, таъқиб қилиб яшайверди. Чунки оддий ишчининг қизиман, кийим-кечакларим ҳам шунга яраша эди. Мактабимдаги соғлом муҳит, ўқитувчиларимнинг самимияти, рост муносабатлари, билимга холис баҳо беришлари йиллар давомида зада дилимни даволади гўё, ўзимга ишонч берди, ҳаётда ямоқли кийим билан ҳам тик юриш мумкинлигини, либосни эмас, инсонни қадрлайдиган инсонлар оз эмаслигини ўргатди.

...Бир машҳур хонанда билан (жудаям машҳур!) ўқувчилик йиллари ҳақида суҳбатлашиб қолдим.

— Эслашниям истамайман! — деди у гапимни чўрт кесиб. — Жуссам кичкинагина, юзим қоп-қора, кийимларим ҳамма боланикидан эскию кўримсиз эди. Шунинг учунми, ўқитувчиларим мени ёмон кўришарди. Шўх эдим — уришарди. Дарсга кечиксам, ҳайдаб юборишарди. Болаларнинг орасида тинмай турткилашу нуқилашларини, калтаклашларини истамаганим учун дарсга атайлаб кеч келардим ва эшикнинг тагиданоқ уйга қайтардим.

Бу хонанданинг тўю концерт залларида одамларга нисбатан анча беписанд, беҳурмат, ўз номи билан айтганда, сал андишасизликлари машҳурликни кўтаролмаслик касаллиги деб ўйлардим. Ўша суҳбатдан кейин англадимки, унинг дилига бу қусурлар уруғи мактабда ташланган экан...

...Институтни тугатиб, она шаҳримдаги 7-ўрта мактабда ўқитувчилик қилаётгандим. Бир куни ишга келсам, мактаб ҳовлисида болалар давра олиб турганча хохолаб кулишаяпти. Шу пайт 4-синфда ўқийдиган бола даврани ёриб чиқдию ёнимга чопиб келди.

— Опа! — деди у овози умиду илтижодан титраб,— ўғил бола мана бунақасидан кийса бўлмайдими? — ўқувчим оёғига ишора қилди.

Қарадим: аёлларнинг баландпошна туфлисини кийиб олган, эски — кимдандир қолган бўлса керак.

Бир қарашда кулгилиям туюлади. Юрагим увишди. Бола кўзимга жовдираб тикилиб турибди.

— Нега кийиб бўлмас экан? Бўлади! —дедим жиддий.

— Ана! — деди ўқувчим ўзи устидан кулаётганларга ғолибона қараб ва югурганча ичкарига кириб кетди. Мен неча йиллargача ўша ўқувчим баланд пошнали туфлини фақат аёллар кийиши мумкинлигини иложи борича кечроқ — ақли кирганда, ўзига ишончи ортганда билсин-да, илойим, деб тилаб юрдим...

Ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакат фарзандларининг бўйлариям ўсиши табиий экан. Чунки одамнинг кўнгли, руҳи юксалса, шунга мутаносиб салобатига салобат қўшиларкан.

Фарзандларимизнинг ақлий қобилиятлари, жисмоний имкониятлари айни гуркираб ўсадиган давр мактаблар билан боғлиқ. Кўнгиллари равшан, руҳлари тетик бўлиши, ўзларининг барча иқтидорларига ишонч ҳисси мустаҳкамланиши ҳам айни мактаб парталарида авжланади.

Балки, қиссадан ҳисса қабилидаги хулоса жоиздир юқоридаги фикрларга. Лекин мен кўнглимни тўкиб бўлдим.

Республикамиз келажагини кўзлари узра қўйиб, ҳар бир ниҳол, ҳар бир мурғак қалб, қалбдаги куртак мўъжизани меҳру муҳаббат, жон кафтида асраб-авайлаш, улғайтириш учун моддий, маънавий асосни тўкис яратиш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримов бошлаган улуғ ишларнинг моҳиятида шу азиз Ватанимизнинг ўсиб келаётган барча-барча фарзандлари қалбини эъзозлаш ётибди.

Зеро, эъзозланган, қадрланган, тафаккур ва меҳр куртаклари баравж ривожланган инсонгина Ватанини, халқини эъзозлайди, қадрлайди, улар истиқболига ҳисса қўша олади.

Муҳтарама УЛУҒ.

Ангрен шаҳридаги 10-болалар боғчасида рус гуруҳи тарбияланувчиларига ўзбек тилини ўргатишга алоҳида аҳамият беряпти. Боғчада ўзбек тили хонаси мавжуд бўлиб, бу ерда тажрибали тарбиячи-ўқитувчи Муборакхон Паттаева ўзбек тили машғулотларини жонли, қизиқарли қилиб олиб бормоқда.

Суратда: ўзбек тили машғулотида.

Сураткаш Ҳ. СОЛИҲОВ.

ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ

Болани тарбиялашда рўй берган таназзулни бартараф этиб, тўғри йўлга қўйиш учун оилада тарбия ўтмишда қандай бўлганлигини, совет тузуми даврида қандай кечганлигини ва ҳозирги кунда нималарга амал қилинаётганлигини таҳлил этиш жоиз. Ундан чиқадиган хулосалар, мавжуд ҳолатдан холи бўлиш чоралари келажакка мўлжалланган амалий дастур — мустақиллик, миллий мафкура концепциясида ўз аксини топмоғи лозим.

Бу борада кенг жамоатчилик фикрига таяниб, мутахассис олимлар миллий мафкура концепциясини яратишга киришдилар. Бу жараён давом этаётганлигини ҳисобга олган ҳолда биз ҳам баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Ўзбек халқининг ахлоқи асрлар давомида шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган. Марказий Осиё халқларида ахлоқ, тартиб-интизом, ҳақгўйлик юқори даражада бўлган. Далилларга эътибор берайлик. XIX аср ўрталарида Марказий Осиёга ҳарбий босқинчилик бошлаган генерал М. Д. Скоблевнинг сафдошлари Н. И. Гордеев «Бу халқ туҳмат нималигини билмайди»,— деса, яна бири — В. И. Барановский «Бу халқда ўғрилик қилиш одам ўлдиришдан ҳам оғир жиноят ҳисобланар экан»,— деган. Чор ҳукумати ҳужжатларида ҳам ўтмишдошларимиз ҳақида: «Маҳаллий халқ безорилик нималигини билмайди»,—деган аниқ далиллар бор.

Октябрь тўнтарилишидан кейин барча жабҳалар марказдан бошқарилди, мафкурада кескин ўзгариш юз берди. Материя бирламчи, онг иккиламчи, таълим бирламчи, тарбия иккиламчи, дедик. Оила тарбиясига эътибор кескин сусайди. Оқибатда болаларнинг кўпчилиги она ва оила тарбиясидан узоқлашди, айрим ҳолларда маҳрум ҳам бўлдилар.

Бошбошдоқлик сиёсати ўз таъсирини кўрсатди, ўзлигимизни унутдик, маданиятимиз, маънавий бойлигимиз ҳисобланган муқаддас Қуръони каримдан бенасиб этилдик. Оқибатда дин билан хурофотнинг, миллий урф-одатлар билан сарқитнинг фарқига бормай қўйдик. Минг йиллар давомида инсонни турли нопокликлардан сақлаб келаётган имон, ҳалоллик, савоб каби тушунчаларга хурофий маъно бердик. Катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қариндош-уруғлар ўртасида бир-бирига самимий оқибат, қўни-қўшни ўртасида меҳр, яқинлар орасида борди-келди қилишни, инсоф ва ҳалолликни унутдик. Халқимизга ёт бўлган ўғрилик ва жиноятчилик, порахўрлик ва лаганбардорлик, бузуқлик ва юзсизлик авж олиб кетди.

Истиқлол қўлга киритилгач, миллий меросимизни тиклаш, ислом арконларига амал қилиш, зарур қўлланмалар нашр этиш бошланди. Истиқболдаги вазифа улардан таълим-тарбия жараёнида ўринли фойдаланишдир. Кенг маънода ёндашадиган бўлсак, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Миллий мафкура яратиш анча вақт талаб этади, тарбия эса тўхтовсиз давом этадиган фаолият. Шу боис таълим-тарбия ишида минг йиллар давомида амал қилиниб келинаётган миллий тарбия услубларидан фойдаланишни туманимиз миқёсида тавсия этдик. Ишни тарбияда бирламчи оилами ёки мактабми, оилада бирламчи тарбиячи онами ёки отами (аслида оила аъзоларининг ҳаммаси, яъни каттаси кичигига тарбиячи), оилада ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияни қандай тартибда бериш керак, деган саволларга асосли жавоб топишдан бошладик. Бу фикрларни «Оилада ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия» мавзусидаги конференцияда ҳуқуқшунослар ва жамоатчилик билан ҳам келишиб олдик.

Жамиятнинг асоси бўлмиш оила ўзининг барча қирралари билан инсон шаклланадиган асосий маскандир. Жамият — оила — шахс

1994 йил— Оила йили

занжирида оила мавқеи асрлар давомида етакчи бўлиб келган. Ҳозирги кунга келиб эса тарбиявий ишда оила ва мактаб роли ҳақида баҳс кўндаланг бўлиб қолди — қайси бири етакчи?

Жавобни одамнинг умр бўйи ақлий-руҳий ривожланишини белгиловчи далиллардан излайлик. Руҳшунос олимларнинг таъкидлашларича, одам умри бўйи шаклланган феъл-атворининг эллик фоизини уч ёшга тўлгунча шакллантирар экан. Бир ижтимоий тадқиқот натижалари эса ёшларнинг оиладан ташқарида тарбиянинг ўттиз фоизини мактабдан, етмиш фоизини жамоатчиликдан олишини кўрсатган. Кўриниб турибдики, мактаб бола ахлоқини кескин ўзгартириб юбора олмас экан.

Шу боис ахлоқий тарбиянинг бирламчи кўникмалари: саломлашиш, кўпчилик ичида ўзини тутиш, катталарга ҳурмат, кичикларни авайлаш, тежамкорлик, меҳнатга муносабат болага илк ёшдан сингдирилиши лозим. Агар бола ёшликдан саломлашиш одобини ўрганмаган бўлса, мактабда буни амалга ошириш қийин.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир киши «Исломдаги энг яхши хислатлар қайсидир?» деб сўраганида, «Очларга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик», деб жавоб бергани саломлашишнинг нақадар улуғлиги нишонасидир.

Тарбиянинг асосийларидан яна бири ҳуқуқий тарбиядир. Бу болага ҳалол ва ҳаром тушунчаларини сингдиришдан бошланади. Мусулмончиликда бу тушунчалар кенг маънони англатади: мумкин бўлган нарсалар ҳалол, ман қилинган нарсалар ҳаромдир. Илк тарбия, ана шу кенг маънони ҳисобга олган ҳолда, боланинг ёш хусусиятларига мослаштирилиб амалга оширилади.

Яна бир фикр қиз бола тарбияси ҳақида. Аввал қайд этганимиздек, оила аъзоларининг барчаси маълум даражада тарбиячи ҳисобланадилар. Аммо она тарбияси бошқа. Фарзанд бирламчи тарбияни онадан олади. Шу боис ёшини яшаб, ошини ошаб дунёдан кўз юмаётган қарияларнинг ҳам онасини эслашларида ҳеч бир ғайритабиийлик йўқ. Она тарбияси сўнгги онларгача сақланиб қолади. Донишмандлардан бири: «Инсонлар ҳар вақт аёллар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилат ўргатингиз»,— деган экан. Бу фикрлар қиз бола тарбиясига ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Зеро, аёлларни тарбия этиб, улар воситасида бутун эл-юрт орасида ахлоқ ва фазилат уруғини сочиш фикри дунёнинг кўпгина мамлакатларида майдонга чиққанига юз йиллар бўлганини эслайлик, тарбия жараёнида бу имкониятни эътиборсиз қолдирмайлик.

Айтилган фикрларга асосланиб қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Тарбия жараёнида боболаримиз мероси бўлмиш «Қутадғу билиг», «Бобурнома», «Донишнома», «Қуръон», «Ҳадис», «Шаръий ҳукмлар тўплами» ва бошқа манбалардан фойдаланилса.
2. Ислом дини тарихини, ҳадисларни ўргатиш боғча ёшидан бошланса, мактабларнинг қуйи синфларидан бошлабоқ ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар берилса.
3. Маҳалла қўмитаси қошида ёшлар билан ишловчи педагог фаолият кўрсатса.
4. Ёшлар билан ишлаш инспекцияси, маъмурий органлар ҳисобига тушган болани «таърифлашда» «фалон мактаб ўқувчиси»,— деб бошламасдан, фалон маҳаллада яшовчи ва фалон ташкилотда ишловчи фалончининг фарзанди дегандан сўнг мактаб тилга олинса.
5. Ҳозирги кунда бола содир этган айби учун мактабдан бошқа, маъмурий органдан бошқа, жамоатчиликдан бошқа жазо олиши, оилада эса мақтовга сазовор бўлиши мумкин. Бу жазолаш тизимининг номукаммаллигидир. Аслида бола айби учун ота-она ҳам жазоланиши керак. Шунда жаҳон андозасига мос иш қилган бўламиз.

Фикрларни мухтасар қилиб, ўзимиздан масъулиятни соқит қилмаган ҳолда айтмоқчимизки, ёғоч ўймакор устаси сарвдек тўғри ўсган дарахтдан санъат асари бунёд этгандек, мактаб ҳам оилада тўлақонли тарбия топган боладан етук инсон етиштиришига ишончимиз комил.

Т. УМАРАЛИЕВ,
Пскент туман халқ таълими бўлими мудири,
Т. ЙЎЛДОШЕВ,
шу тумандаги 28-мактаб ўқитувчиси.

Андижон вилояти Бўз туманидаги Ижодкор ёшлар марказида 16 та тўгарак фаолият кўрсатаётир. Уларда 431 ўқувчи касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Суратда: тикувчилик тўгараги раҳбари Ўғилхон Зокирхўжаева Зоҳида Бўтабекова бажарган ишни кўздан кечирмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ОЛИМ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Кимёгар олим—Д. И. Менделеев таваллудининг 160 йиллиги муносабати билан ҳозир илмий анжуманлар, очиқ дарслар ва қизиқарли кечалар ўтказилмоқда. Яккасарой туманидаги А. Ёрмуҳамедов номли 118-мактабда ҳам айни шу санага бағишланган фан кечаси ўтказилди. Кечага ташриф буюрган фан номзодлари Нусратхон Валиева, Ҳожиқул Омонов, химия ўқитувчиси Мурод Мирзаевлар Д. И. Менделеевнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бердилар.

Ғаройиб лаборатория ишлари, Менделеев ва унинг шогирдлари сиймосини яратган студент ва ўқувчиларнинг чиқиши, кимёга оид пантомималар ва мактаб халқ этнографик ансамбли иштирокчиларининг куй-қўшиқлари қатнашчиларга ҳузур бағишлади.

Наргиза ТЎРАЕВА.
Тошкент шаҳри.

Тақриз

«БИР ТОМЧИ ҚАДАР...»

Қадимий тарихга эга бўлган туркий халқлар эндиликда бевосита бир-бирлари билан ўзаро амалий муносабатлар ўрнатиш даврига дадил қадам қўйишди. Бинобарин, илдизи, маданияти, тили, дини, еру осмони бир бўлган ўзбегу турк халқлари ўртасида турли соҳалар бўйича муносабатларнинг тобора кучайиб бориши истиқлол шарофатидир.

Ўзбек ва турк олимлари, профессорлар Низомиддин Маҳмудов ва Эртуғрул Йаманларнинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча» луғатининг нашр қилиниши икки халқ тилшунослигида қувончли воқеа бўлди. Китоб муаллифлари ёзганларидек, «Айни луғат, аввало, икки лаҳжани (тилни) ўрганишда, қолаверса, адабий ва маданий мерос билан яқиндан танишишда калит вазифасини бажаришига умид қиламиз» (9-бет).

Луғатнинг туркча қисмини Эртуғрул Йаман, ўзбекча қисмини Низомиддин Маҳмудов тайёрлаган. Луғатни тузиш жараёнида, ўзбек ва турк тилларининг ёзув тизимидаги ўзига хосликлар ҳисобга олинган. Луғатдаги биринчи устунда сўз, иккинчисида сўзнинг ўқилиши, учинчи устунда маъноси берилган. Сўзларнинг айрим ҳолларда бирдан ортиқ маъноларини англатиши алоҳида берилган. Бу эса сўзловчи учун сўзни, унинг маъноларини танлаш ва мақсадга мувофиқ қўллашда асқотади.

Луғатдан фойдаланиш жараёнида эътибор қилиниши лозим бўлган ўринлар ҳақида, қисқача бўлса ҳам маълумот берилишини мақсадга йўналтирилган, деб айтиш мумкин. Муаллифлар таъкидлаганидек, «...ҳар икки лаҳжа (тил) бир илдизга эга бўлса-да, улар орасида тарихий ва жўғрофий хусусиятларга кўра қатор фарқли ҳолатлар мавжудлигини унутмаслик лозим» (11-бет). Шу ўринда муаллифларнинг яна бир ютуғини, яъни «алоқачи сўзлар» деб ном олган сўзлар ҳақида — уларнинг ҳар икки тилда шаклан деярли бир хиллиги, аммо мазмунан бошқа-бошқа ёки зид эканлиги ҳақида маълумот берганликларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Луғатда фонетик жараёнлар, товушлар талаффузи, транскрипцион белгилар билан боғлиқ томонлар ҳақида тушунча берилиши сўзликда келтирилган сўзларни тўғри ўқиш, улардан нутқда тўғри фойдаланиш ва маъно нозикликларини тўғри ҳисобга олишда қулайлик туғдиради.

Ўзбек ва турк луғатчилигини бойитишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган жиддий меҳнат эвазига яратилган ушбу луғат 13 мингга яқин сўзни ўз ичига олган. Уларнинг кундалик ҳаётдаги зарурий тушунчаларни ифодалаши фаол лексикани ҳосил қилади. Сўзлар маъносига кўра инсон, ҳайвон, қариндош-уруғ, ўсимлик, турли объектлар, табиат ҳодисалари, нарса-предмет, кийим-кечак, уй-рўзғор, озиқ-овқат, белги-хусусият, ҳаракат, ҳолат, касб-ҳунар, фан-техника кабиларга оид номларни билдиради.

Соф миллат, соф тил каби тушунчалар нисбий тушунчалардир. Бинобарин, ҳар бир тилнинг таркибида озми-кўпми ўзга тил сўзлари бўлиши мумкин. Луғат сўзлигида учрайдиган август, актив, анкета, бюджет, делегат, декан, жетон, жилет, журнал, пакет, пардон, метод (15-, 17-, 25-, 34-, 35-, 115-, 194-, 227-бетлар) каби сўзлар шулар сирасига киради. Бу сўзлар турк тилида ўз товуш қиёфасини ўзгартирмай, баъзан товуш шаклини ўзгартирган ҳолда қўлланиши мумкин экан. Бу ҳолни ижобий баҳоламоқ керак.

Луғат Ўзбекистонда яратилган дастлабки илмий иш эканлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Асар муаллифлари ёзганларидек, луғат аввало, Туркия—Ўзбекистон дўстлиги ва қардошлигига, иккинчидан, буюк турк дунёсининг янада ривож топишига бир томчи қадар ҳисса қўша олади, деб ҳисоблаймиз.

Р. РАСУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Ҳамкасблар ижодидан

ДУНЁ

Тонгларни ибодат билан кутганлар,
Офтоб кулгусини кафтда тутганлар,
Барибир, армонда ёниб ўтганлар,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.

Баҳорда мудраган қирғоқ ҳам бўлар,
Қорлар эримайди, қурғоқ ҳам бўлар.
Дашти Карбалода юрмоқ ҳам бўлар,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.

Омад қочиб юрсин ё пайдо бўлсин,
Сен ишон, кунларинг ҳувайдо бўлсин,
Қалбингда эл дарди сувайдо бўлсин,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.

Мардсан, маҳзун дилга илинжлар солгин,
Иңграб турган кўзга севинчлар солгин,
Ростни деб, ёлғонга қиличлар солгин,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам.

Бизлар кўнгил берган Ватанки боқий,
Осмон шафқатлидир, офтоб сахий,
Хурсандлиг майини мўл қил, эй соқий,
Бу дунё сенга ҳам қолмас, менга ҳам!..

Эргашали АБДУЛЛА,
Фарғона вилояти, Фурқат туманидаги 6-мактаб директори.

БЎЛ ОМОН!

Мустақиллик кунларига етган юртим, бўл омон!
Қанча-қанча тўсиқлардан ўтган юртим, бўл омон!

Ихтиёри ўзимизда эмасди мўл бойликниг,
Қарамлик дардини қалбдан ситган юртим, бўл омон!

Унутилган буюкларнинг номи қайта тикланди,
Боболарнинг руҳини шод этган юртим, бўл омон!

Сув текинга кетар эди пахта, олтин, пилламиз,
Қайғулари, аламлари битган юртим, бўл омон!

Ўзбекистони тан олди юз элликдан кўп давлат,
Шон-шуҳрати жаҳон бўйлаб кетган юртим, бўл омон!

Дўст элларга йўл очиқдир, улар келар бемалол,
Қардошларни гуллар билан кутган юртим, бўл омон!

Тўйингга мос, бўйингга мос ғазал ёзади Тўра,
Халқ бадавлат, бахт қушини тутган юртим, бўл омон!

Тўра ЖУМАН.

ҚУТЛУҒ ОСТОНА

ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

Таҳририятимизга ўғлининг суратини кўтариб замондошимиз Ҳусанжон Азимхўжаев кириб келди. «Ўғлимни қаранг,— деди у қувонч билан эътиборимизни суратга тортар экан,— виолончель чалади. Очиғи, бундай музика асбоби борлигини мен хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Лекин унинг мусиқага қизиқишини билиб Глиэр номидаги жумҳурият мактаб-интернатига ўқишга бердим. Ўғлим бу интернатга танлов асосида кирди. Домласи Владимир Дмитриевич Савин унга ўзидан катта шу асбобни чалишни тавсия этибди. Очиғи, бу асбобни кўриб ота-бобонг қилган ишни қилсанг-чи, ҳеч бўлмаса, карнай ёки сурнай чал, деб уни ўртага ҳам олиб кўрдик. Бўлмади. Ўғлим шу асбоб билан турли куйларни чалиб нафақат мактабдагиларни, балки етук мураббийларию мусиқа ихлосмандларининг ҳам назарига тушди. Мактабда ўтган кўрикларда ғолиб чиқди. Энди эса Бокуда бўладиган танловда қатнашади. Жаҳонгир нафақат виолончель, балки пианино ва фортепьяно ҳам чалади. Қариндош-уруғларимизда мусиқа ва санъатга оид соҳа эгалари йўқ эди. Ўғлим эса»...

Ҳусан аканинг ҳаяжонидан, қувончидан биз ҳам таъсирландик. Оталик фахри, ғурури билан тўлиб-тошган йигит ўғлининг суратини кўз-кўзлар экан, кўнглимизда кўтаринкилик пайдо бўлди. Қани энди, ҳаммамиз ҳам ўз фарзандимизга, ука-сингилимизга шундай эътибор билан қарасак, уларнинг лаёқатини ҳис қилиб, қўлимиздан келган ёрдамни аямасак! Дарвоқе, ижод остонасига қадам қўяётганларга ширин сўз, гўзал тарбия керак.

Суратда: Жаҳонгир АЗИМХЎЖАЕВ.

VIII боб

Ислом Ҳиндистонда

Исломнинг Ҳиндистонга кириб келиши. Бу мамлакатга Исломнинг ёйилиши тарихи тўғрисида III бобда сўз юритилган эди. Синдлик рожа Даҳир ўн еттинчи аср охирида арабларнинг денгиз кучларига ҳужум қилмоқчи бўлиб турганида Ироқнинг қудратли ҳокими Ал-Ҳажжож ибн Юсуф невараси Муҳаммад ибн ал-Қосим бошчилигида унга қарши қўшин юборди. Навқирон Муҳаммад Ҳинд водийсининг Мўлтонгача бўлган бутун пастки қисмини босиб олди. У Ҳиндистонда узоқ қолмади, лекин шундан буён Синдни ва ҳатто жануби-ғарбий Панжобни араблар халифалигининг бир қисмига айлантирган эди.

Дастлабки истилолар самараси. Синднинг араб ҳокимлари ўз тасарруфидаги ерларни шарққа томон кенгайтириш мақсадида вақти-вақти билан Ражпутан, Малва ва Гужаратга юришлар уюштириб турардилар. Ана шундай ҳокимлардан бири бўлган Жунайд ҳукмронлиги даврида мусулмонлар Виндҳясининг бутун бойлигини қўлга киритдилар. Улар ҳатто мусулмонлар ҳужумига қалқон бўлиб турган забардаст Чалукйас ҳокимлигидаги Декангача кириб бордилар. Марказда ўз куч-қудрати билан мусулмонларни Ҳиндистоннинг марказий қисмига ўтиш имкониятидан маҳрум этган пратихараслар ҳукмронлик қилишарди. Лекин мусулмонлар ғарбий Ражпутан ҳудудида ўз ҳокимларини сақлаб қолдилар. Улар ҳали ҳиндлар давлати тўғрисида тасаввурга эга эмасдилар, бироқ ҳинд маданиятига ошно бўлишлари натижасида иккала халқ орасида маданий алоқалар ривожлана борди. Синчков тадқиқотчилар бўлган араблар билимларни чанқоқлик билан эгалладилар. Улар ҳинд риёзиёти, тиббиёти, фанлари, фалсафасини ва санскрит тилида ёзилган китобларни ўргана бошладилар. Бунинг натижасида ҳиндларга хос ғоялар ва уларнинг фани араб мамлакатларида ҳам кенг ёйилиб, арабларнинг умумий билим даражасини юксалтира борди. Тарих китобларида мусулмонларнинг илми нужум ва риёзиёт соҳасидаги ёш илмий кучлари Бенаресга ва Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларига келганликлари қайд этилган.

Ғазнавийлар.— Маҳмуд ал-Ғазнавий. Маҳмуд Ғазнавий истилолари туфайли Ислом дини ҳақиқатан ҳам кенг кўламларда жорий этила борди. Маҳмуд Канауржа ва Деҳлигача борган бўлса ҳам, фақат Панжобни эгаллашга эришди. Ғазнавийлар даврида Панжоб, аниқроғи, унинг учдан икки қисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лаҳўр, Панжоб ва Юқори Синд ғазнавий ҳокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ғазнавий ҳокимлар эса Ғазнага эмас, Лаҳўрга бўйсунардилар. Маҳмуд Ҳиндистонда узоқ хотира қолдирди. Бу хотира фақат Панжобнинг доимий истилоси билангина чегараланиб қолмасдан, кўпроқ Маҳмуднинг ва унга қарам туркларнинг ўзларига нисбатан ҳиндлар қалбида уйғотган очиқ-ойдин қўрқувда бўлмаса ҳам, душманликда ифодасини топди. У ҳиндлар бошида тез-тез калтак синдириб турди, ўғли Султон Масъуд ва невараси Баҳромнинг шон-шуҳрати эса Ҳиндистонда шу қадар кучли янгрардики, ғурийлар Ҳиндистон устига бостириб келаётганларида Присви Рож, деҳлилик Чсукан Рож ҳамда Ажмернинг қаршичиқишларини ҳисобга олмаганда, ҳиндлар ҳатто мусулмонлар ҳаракатига сезиларли тўсиқ бўлолмадилар.

Ғурийлар. Ғазнавийларни ғурий турклари раҳнамоси Ғурийхоннинг тарафдорлари тахтдан ағдаришди. Ғазнавийларнинг сўнгги подшоҳи Баҳромшоҳ ғурий туркларининг саркорлари бўлган Қутбиддин ва Сайфиддинни қўлга тушириб, уларнинг бошини шу ерда ҳозир бўлган ғурий отлиқлари кўзи олдида кесиб ташлади. Бу воқеа ўша қатл этилганларнинг кенжа иниси Алоуддинга шу даражада қаттиқ таъсир қилдики, у катта қўшин тўплаб, Ғазна устига ёпирилди. Ўта қасоскор ва раҳмсиз инсон бўлган Алоуддин ҳали ярим ёввойи эканлигидан Ғазнанинг улуғворлиги, унинг саройлари, масжидлари, дорилфунунлари, кутубхона, мактаб ва хонақоҳларининг қадрига етолмай, уларни вайрон қилиб, кулини кўкка совурди. Осиёдаги кўплаб мамлакатларнинг бойликлари тўпланган азим шаҳар етти кун аланга ичида қолди. Бундай манфур қилмиши учун Алоуддин Жаҳонсўз (Дунёга ўт қўювчи) номини олди.

Ана шу воқеа кўплаб машҳур ҳинд қўшиқлари ва ҳикояларига мавзу бўлган. Номусга қолган Шаҳобиддин душмандан қўрқиб қочган барча аскарларни жазолади. 1192 йили у катта куч билан шу ерга яна қайтиб келганида Присви Рож кўплаб иттифоқчилари билан биргалашиб, унга қарши турди. Ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида аёвсиз жанг бўлиб, бу гал Шаҳобиддин ал-Ғурий ғалаба қозонди. Присви Рож олишувда ҳалок бўлди, умуман унинг қўшини кўрган талафот ҳам катта эдики, бу ҳиндларнинг қаршилик кўрсатишларини тўхтатиб қўйди. Присвига душман бўлган ва унга ёрдам қўлини чўзмаган канауржалик Рожа Жайчанд мусулмонларга қарши курашни давом эттирди. Лекин у ҳам мардона жангда ажал топди. Шаҳобиддин ўрнига Қутбиддин Ойбекни қолдириб, ўзи Ғазнага жўнаб кетди. Бироқ Кажҳиавар Гужаратидан бўлган рожа Бхима Дева билан курашиш мақсадида 1197 йили яна қайтиб келиб, ғалаба қозонди. 1202 йили Қалинжар қалъаси таслим бўлди. Шу орада додхо Бахтиёр Холжий шарқий Ҳиндистоннинг Бенгалгача бўлган бўлагини босиб олди. Энди бутун шимолий Ҳиндистон мусулмонлар тасарруфига ўтган эди.

Қуллар сулоласи — Қутбиддин Ойбек (1206—1210 йиллар). Акаси Ғиёсиддин вафотидан кейин ғурийлар империясига бош бўлган Шаҳобиддин юксак мартабаси ҳузурини узоқ кўролмади. 1208 йили Панжоб ғарбида коҳарлар қабилалари ўртасида уруш чиқиб, уларга қарши курашган Шаҳобиддин ғолиб келди. Лекин у Ғазнага қайтиб келаётганида тунда юз берган тўқнашув пайтида ўлдирилди. Унинг Ҳиндистондаги маслаҳатчиси Қутбиддин Ойбек шу мамлакатнинг шимолий қисмига ҳоким бўлиб олганлиги бошқа додхолар кўнглига қаттиқ тегди. Уларнинг энг таниқли вакили Тожиддин Йилдиз Кобулда ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди, Насриддин Кабача эса Мўлтон ва Синдни босиб олди. Бошқаларни ўзига бўйсундирган уларнинг энг кучлиси, ҳаддан зиёда зўр бўлган Қутбиддин 1210 йили Лахўрда човган ўйнаётганида отдан йиқилиб қазо қилди. Унинг мақбараси шаҳарнинг энг кўзга ташланадиган жойидан ўрин олган. Самимий инсон Қутбиддинга халқ Лакбахша (юз мингларга яхшилик бахшида қилувчи) унвонини берди. У Меҳраули харобаларидан сақланиб қолган ашёлардан фойдаланиб, Деҳлининг чеккасида катта масжид қурилишини бошлаб юборди. Қутуб минораси ҳам шу масжидга мўлжалланган эди.

[Боши ўтган сонларда].

(Давоми бор).

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли онажонимиз Севара ЗИЁМУҲАМЕДОВА!

Биз Сизни қутлуғ 50 ёшингиз ҳамда Ўзбекистон тарихи музейида фаолият кўрсатаётганингизнинг 30 йиллиги билан чин юрагимиздан муборакбод этамиз. Бугун Сизнинг шаънингизга қанча гўзал тилаклар билдирсак, шунча оз. Айтайлик, жамоа орасида, маҳалла-кўйда, оилада барча-барчага ўрнак бўлиб келаётганингизнинг ўзи бир китоб. Шунинг учун ҳам Сизни ҳамма севади, эъзозлайди. Хуллас, тилагимиз, истагимиз Сизга бир жаҳон, ҳаётда бўлингиз доим соғ, омон!

Чуқур эҳтиром билан турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз номидан кенжа ўғлингиз Жасурбек.

Ҳурматли Мавжуда ШЕРАЛИЕВА!

Сизни кўпчилик дилкаш — дилбар аёл, меҳрибон-ғамхўр она ҳамда буви, шу билан бирга заҳматкаш ва талабчан раҳбар сифатида ҳам яхши танийди. Зеро, сиз узоқ йиллар ёшларга тарих ва жуғрофия фанидан сабоқ бердингиз, мактаб илмий бўлими мудири, директор муовини бўлиб ишладингиз. Сўнгги пайтларда эса пойтахтимиздаги 7-ўрта мактабга раҳбарлик қилмоқдасиз.

Биз Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Фарзандларингиз, келин-куёвларингиз, набираларингиз, минглаб шогирдларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, ҳеч қачон дард-ғам кўрманг.

Мактаб жамоаси номидан Дилором ҲАЙДАРОВА.

Ҳурматли Содиқ АБДУЛЛАЕВ!

Сиз халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти қўмитасининг раиси сифатида кўрсатган фаолиятингиз давомида кўплаб хайрли ишларни амалга оширдингиз. Педагоглар яратилаётган шароитлар ва имтиёзлардан мамнун.

Табаррук 60 ёшингиз нишонланаётган ушбу кунларда Сизга сиҳат-саломатлик, келгуси ишларингизда ривож тилаймиз.

Қадрдон жамоангиз.

Ҳурматли дадажонимиз Раҳим БЕКНАЗАРОВ!



Сиз қирқ йилдан зиёд Юнусобод тумани халқ таълими бўлимида ёшларга малакали муаллим ва меҳрибон ота сифатида сабоқ бериб келгансиз.

Сизни таваллудингизнинг етмиш йиллиги ва турмуш қурганингизнинг 50 йиллиги билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

ХАНДАЛАР

АХМОҚҚА ТУҚМОҚ

Бир савдо ходими машинасида кетаётса, йўлкада ўзининг собиқ ўқитувчиси келаётган эмиш. У машинасини ўқитувчисининг ёнига тақаб тўхтабди-да:

— Ҳой домла, қачонгача пиёда юрасиз? Ёки бирорта велосипед-пелосипед оберайми?— дея хохолабди.

— Биз оёғимизга ишонамиз, ука, — деб жилмайибди ўқитувчи. — Сен машинангнинг газини босавер, ҳамма борадиган жойга эртароқ борасан.

АЛМАШЛАШ

Бир мактабга комиссия келиб, дарсларга кириб қараша, она тили дарсини математика ўқитувчиси, жисмоний тарбияни тарихчи, чет тилини физика мутахассиси, химияни тил-адабиёт ўқитувчиси ва ҳоказо ўқитаётган эмиш. Комиссия бошлиғи директордан: «Бу қанақаси?» деб сўраса, мутахассислиги биолог бўлган мактаб директори мағрурлик билан бундай дебди:

— Биз янги услуб қўллаяпмиз. Биласизми, ерларга экинларни алмашлаб экилса, зўр ҳосил беради. Биз буни ўқувчиларда ҳам тажриба қилаяпмиз.

Исомиддин АЗИМОВ.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЙЎЛДА БОЛАЛАР БОР!

Тошкентдаги касалхоналардан бирига келтирилган тўққиз яшар Толикни кўздан кечирган шифокорлар унинг ички аъзоларига қаттиқ шикаст етган деб, ташхис қўйдилар. Бу — машина юрадиган йўлда ўйнашнинг оқибати эди. Болакай автомобилнинг орқасига тирмашиб, музлаб қолган йўлда учмоқчи бўлади, лекин маҳкам ушлай олмайди. Оқибатда машина ғилдираги остида қолади. Автомобиль назорати ходимларининг фикрича, боланинг омади бор экан — одатда бундай ҳолларда оқибат жуда ачинарли бўлади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармасининг маълумотига қараганда, ўтган йили болалар билан боғлиқ 685 та йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган. 39 бола ҳалок бўлган, қолганлари жиддий шикаст топган. Республика пойтахти кўчаларида умуман авариялар сони камайган бир пайтда бу кўрсаткич йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби нимада? Асосий сабаб —болалар кўчадаги транспорт ҳаракатининг хавфли эканини тушунмаслигидадир. Улар кўчани белгиланмаган жойларда кесиб ўтадилар, машиналар қатнайдиган қисмида ўйнайдилар. Бунда катталарнинг ҳам айби бор, албатта. Улар йўл ҳаракати қоидаларига менсимай қарашади, бу қоидаларни мунтазам равишда бузишади. Энг ачинарлиси шундаки, улар ўзларининг бу қилмишлари ёмон экани, болаларга ёмон ибрат кўрсатишаётганини ўйлаб ҳам кўришмайди.

Автомобиль назорати бошқармасининг маълумотларида катталарнинг бепарволиги, ҳатто шафқатсизлигини кўрсатадиган далиллар бор. Биз майда-чуйда муаммоларимиз билан ўралашиб қолиб, бу аҳвол атрофимиздагиларга қандай таъсир қилишини кўпинча ўйламаймиз ҳам. Яқинда Чиковани кўчасидаги бекатлардан бирида олти яшар қизалоқ одамларнинг кўз олдида ҳалок бўлди. Йўловчилар автобусга чиқиш учун ёпирилиб, болани энди жойидан қўзғалаётган машина ғилдираги остига итариб юборишди.

Бундай ачинарли воқеалар шаҳар кўчаларида болаларнинг майиб бўлишини мумкин қадар камайтириш учун нима қилиш керак, деган саволни кўндаланг қилиб қўймоқда. Энг аввало мактабларда, болалар боғчаларида, истиқомат жойларида ташвиқот ишларини кучайтириш зарур. Ўтган йилнинг охирида Тошкент шаҳар давлат автомобиль назорати бошқармасининг ташаббуси билан шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳайъатининг давлат автомобиль назорати ходимлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлди. Кун тартибига мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш қониқарсиз аҳволда эканиҳақидаги битта масала киритилди.

Давлат автомобиль назорати ходимлари Тошкентдаги ўқув юртларида ўтказган текширишлар натижаси ачинарли бўлиб чиқди. Болаларгина эмас, уларга йўл ҳаракати қоидаларидан дарс берадиган ўқитувчилар ҳам пиёдалар йўлда ўзини қандай тутиши лозимлигини билмайди. Бунинг сабаби шундаки, шу вақтга қадар мактабларнинг кўпида «йўл ҳаракати қоидалари»ни ўрганиш ихтиёрий қилиб қўйилган. Ўқитувчига шу зарур билим юзасидан ўтказган машғулотига ҳақ тўланмайди. Оқибатда машғулотлар хўжакўрсинга ўтказилади. Шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳайъати ва шаҳар автомобиль назорати бошқармаси республика Халқ таълими вазирлигига бу билимга бошқа фанлар каби тенгҳуқуқлилик мақомини бериш тўғрисидаги таклиф билан чиқишга қарор қилди. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш сифатини яхшилаш учун шаҳардаги ҳамма мактабга давлат автомобиль назорати мубоширлари (инспекторлари) бириктиб қўйилди ва уларнинг зиммасига ҳар ойда бир марта шу мавзуда машғулот ўтказиш вазифаси юкланди. Давлат автомобиль назорати ходимлари ота-оналар йиғилишида бўладилар, маҳалла оқсоқоллари билан учрашувлар ўтказадилар. Бироқ сўнгги пайтда кўргазмали материаллар, китобчалар, ўқув қўлланмалари, плакатлар етишмаяпти. Республика нашриётлари бу мавзуда оммабоп адабиётларни нашр этмаяпти.

Лекин буларнинг барчаси — назарий масалалар. Амалда эса, болалар ўз билимларини текширадиган ва мустаҳкамлайдиган жой ҳануз йўқ. Шу сабабли Тошкентда янги автошаҳарча барпо этиш ғояси туғилди. Автошаҳарча учун қулай жой ҳам танланди. У Шайхонтоҳур туманидаги Островский номли собиқ болалар боғи ҳудудида жойлашади. Уни қуриш ва зарур асбобларни харид қилиш учун маблағ ҳам топилди. Пулни янги ишнинг муассислари — шаҳар давлат автомобиль назорати, шаҳар халқ таълими бошқармаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар комитети берадиган бўлди. Шаҳарчани кенгайтириб қуриш режалаштирилди. Бу ерда бевосита автошаҳарчадан ташқари жуда кўп аттракционлар, ўйин заллари бўлади, янги кинотеатр қурилади, спорт секциялари очилади. Буларнинг барчаси бир мақсадга — болаларга йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатишга қаратилиши лозим.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

«ФИЗИКА» БОШҚОТИРМАСИ



Энига: 1. Модданинг барча кимёвий хоссаларини ўзида жамлаган энг кичик зарра. 2. Адронлар синфига мансуб нейтрал зарра. 3. Жисмга бошқа жисмларнинг таъсири бўлмаганда жисм ўз тезлигини сақлаш ҳодисаси. 4. Куч, ҳаракат миқдори тушунчаларини фанга киритган француз олими. 5. Физикага критик ҳаракат, критик босим тушунчаларини киритган ирландиялик физик ва кимёгар. 6. Электр сиғимининг бирлиги. 7. Трансформатор чулғамларини ўраш учун изоляцияли материаллардан тайёрланадиган детал. 8. Деформация тури. 9. Қадимги вақтлардан бери қўлланилиб келинган махсус бирлик. 10. Атомлари фазода қатъий даврий ҳолда жойлашган қаттиқ жисм.

Бўйига: 11. Электромагнит майдон кванти. 12. Квант назариясининг асосини вужудга келтирган немис физиги. 13. Химиявий элемент. 14. Радиоактив элемент. 15. Табиий радиоактивликни кашф этган француз олими. 16. Тўлқинларнинг тарқалишда тўғри чизиқдан оғиши, тўсиқларни айланиб ўтиши. 17. Автомобиль ғилдирагининг қисми. 18. Электрон. 19. Фанда кичик, кичкина маъносини билдирувчи сўз. 20. Газ қонунларидан бирини кашф этган француз физиги.

Тузувчи К. СУЛТОНОВ,
Самарқанд вилояти Пойариқ туманидаги 28-мактаб физика фани ўқитувчиси.

ҚУРУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Ўрта Осиё кўмир қазиб чиқариш бирлашмаси маблағи ҳисобидан Ангрен шаҳридаги Фурқат номли 32-мактабнинг янги биноси қад ростлади. 9-шахта кўмир кони қурилиш тресты 417 ўқувчига мўлжалланган мазкур ўқув маскани қурилишини тез суръатлар билан олиб бориб, уни янги йил арафасида фойдаланишга топширди. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган синф хоналари, шинам спорт зали ва мўъжаз ошхона бугун ўқувчилар хизматида. Мактаб жамоаси ва ўқувчиларнинг қурувчилар туҳфасидан қувончлари чексиз.

С. ҲАМЗААЛИЕВ.

Тошкент давлат консерваторияси томонидан ЁҚУБОВ АБДУРАУФ номига берилган Ю-088236 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ва Одобнома кафедраси жамоаси шу кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент
Сафар ЎТАНОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчилари Мастура Мансурова, Нодира Тўйчиева, Малика ва Бахтиёр Каримовга оталари, кекса педагог
Сафо КАРИМОВ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси, сиёсатшунослик кафедраси жамоаси кафедранинг собиқ доценти
Сафо КАРИМОВ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими, касаба уюшмаси, Д. Нурмуҳамедов номидаги 272-мактаб жамоаси шу мактабнинг фахрий ўқитувчиси
Сайдамин АБРОРОВ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Замира Тўлаганова.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—809. 90303 нусхада босилди, ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти— 20.00. Топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.